БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 209 (18.387). • Якшанба, 1982 йил 12 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

ПЕШҚАДАМЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган

МАЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,09	18,29	—	—
Хоразм	2,16	13,29	0,26	0,61
Навоий	1,45	11,25	0,07	0,14
Сурхондарё	1,72	10,56	0,59	2,97
ҚҚАССР	1,23	8,50	0,05	0,07
Қашқадарё	1,07	7,43	0,15	0,37
Андижон	1,50	7,42	—	—
Наманган	1,43	7,33	0,01	0,03
Самарқанд	1,14	6,70	0,01	0,03
Фарғона	1,33	6,51	—	—
Жиззах	0,23	1,19	—	—
Сирдарё	0,13	1,05	0,02	0,03
Тошкент	0,59	1,47	0,16	0,24
Республика бўйича	1,26	7,75	0,11	0,37
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Бухоро	4,86	9,24	—	—
Сурхондарё	1,48	8,59	0,06	0,15
Наманган	4,30	4,30	—	—
Қашқадарё	0,70	3,81	—	—
Навоий	0,17	1,00	—	—
Республика бўйича	1,42	6,83	0,04	0,09

БИРИНЧИ ТЕРИМДАЁҚ 25 ЦЕНТНЕРДАН

Тўрақўрғон районидаги «Москва» колхози далаларида терим конвейери ишга тушди. Дастлабки теримдаёқ гектар бошига 25 центнердан — деҳқонлар мўлжаллаганига қараганда икки центнер кўп «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Дефолиация сифатли ўтказилганлиги йиғим-теримни юксак суръатлар билан олиб бориш имконини берди. Терим-транспорт отряди аъзоларининг ҳар бири кунига 6—7 тоннадан пахта термоқда. Аммо бу ҳам чегара эмас — О. Сотиболдиев билан С. Дадахонов каби механик-хайдовчилар иш унумини ўн тоннагача етказишга аҳд қилдилар. Экипажларнинг ҳаммаси икки сменада ишламоқда.

Механизаторлар меҳнат қилаётган Маҳмуджон Йўлдошев бригадаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳар гектардан давлатга 45 центнердан юқори сифатли пахта топширишга қарор берди.

ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1982 йил мавсуми бошлангандан буён давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— **Бухоро области** (область партия комитетининг секретари А. Каримов, область ижроия комитетининг раиси П. Нарзуллаев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Эргашев, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи И. Маматов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси В. Каньшин, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Бекниёзов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Р. Ҳасанов, область комсомол комитетининг секретари Т. Бақоев). Бу область ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 18,5 процент бажарган;

— **Хоразм области** (область партия комитетининг секретари М. Худойбергановъ, область ижроия комитетининг раиси К. Сапоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Бегимов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи Т. Жумапиёзов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси Н. Рўзметов, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Ишчонов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси И. Абдуллаев, область комсомол комитетининг секретари К. Абдуллаев). Бу область пахта тайёрлаш планини 13,29 процент бажарган;

— **Бухоро область Ғиждувон райони** (район партия комитетининг секретари С. Раҳимов, район ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи А. Ҳамидов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. Толибов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Қ. Қаҳҳоров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ш. Усеинов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси М. Бобомуродов, район комсомол комитетининг секретари Р. Мўминов). Бу район ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 29,04 процент бажарган;

— **Бухоро область Бухоро райони** (район партия комитетининг секретари Р. Акрамов, район ижроия комитетининг раиси И. Солиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Абдурахмонов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Д. Собиров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Саъдуллаев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси М. Муҳамедов, район комсомол комитетининг секретари О. Сулаймонов). Бу район пахта тайёрлаш планини 21,38 процент бажарган;

— **Сурхондарё областининг қўрғон Ленин йўли райони** (район партия комитетининг секретари Р. Эргашев, район ижроия комитетининг раиси Э. Турсунов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Жўрақулов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Х. Пайғамов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи У. Қудратов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси А. Тўраев, район комсомол комитетининг секретари Э. Холиқов). Бу район ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 18,13 процент, машина терими планини 16,55 процент бажарган;

— **Сурхондарё область Қумқўрғон райони** (район партия комитетининг секретари Ч. Алматов, район ижроия комитетининг раиси И. Жумаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Холматов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси У. Чўтбоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ж. Шойматов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Х. Абсахатов, район комсомол комитетининг секретари Э. Баратов). Бу район ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 20,81 процент бажарган;

— **Фарғона область Киров районидаги Киров номли совхоз** (совхоз директори Ҳ. Турдиев, партия ташкилотининг секретари И. Назаматов, ишчилар комитетининг раиси О. Обидов, комсомол комитетининг секретари А. Абдуганиев). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 22,72 процент бажарган;

— **Бухоро область Ворбкент районидаги қўрқ 1-совхоз** (совхоз директори Л. Ахмедов, партия ташкилотининг секретари Н. Адизов, ишчилар комитетининг раиси Р. Қозоқов, комсомол комитетининг секретари С. Абдуллаев). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 44,13 процент бажарган;

— **Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги Ульянов номли совхоз** (совхоз директори Ш. Жўраев, партия ташкилотининг секретари А. Холиқов, ишчилар комитетининг раиси Ш. Эшназаров, комсомол комитетининг секретари А. Абишев). Бу совхоз ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 18,33 процент бажарган;

— **Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози** (колхоз правлениесининг раиси Ҳ. Норпўлатов, партия ташкилотининг секретари И. Файзиев, касаба союз комитетининг раиси М. Аҳмедов, комсомол комитетининг секретари Р. Атоев). Бу колхоз ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 37,87 процент бажарган;

— **Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози** (колхоз правлениесининг раиси Э. Остонақулов, партия ташкилотининг секретари А. Қаҳоров, касаба союз комитетининг раиси А. Дўрмонов, комсомол комитетининг секретари У. Алмонов). Бу колхоз ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлаш планини 31,93 процент бажарган.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Шовот районидаги «Ленинград» колхози механизаторлари Хоразм областида биринчилардан бўлиб ўз «зангори кема»ларини далаларга чиқардилар. Улар бу йил 5200 тонна «оқ олтин»ни машиналар бункеридан тўкадилар. Бу етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини ташкил этади. Хўжалик деҳқонлари мавсумда давлат хирмонларига 7 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Суратда: колхоз партия комитетининг секретари Шарифбой Қурбонов (ўртада) терим транспорт отряди раҳбари Нормат Шеровга кўчма Қизил байроқ топширмоқда.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

УЧИШ НОРМАЛ ЎТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 сентябрь. (ТАСС). Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев «Салют-7» орбитал илмий станцияси ичида 120 кундан бери ишлашяпти. Бугун экипажда навбатдаги тиббий текширишлар куни. Қайд этувчи «Реограф» ва «Бета» аппаратларидан фойдаланган ҳолда дозаланган жисмоний нагрузкага нисбатан юрак-қон томир системаси ўзини қандай тутиши тадқиқ этилмоқда. Космонавтларнинг ишлаш ва ҳордиқ чиқариш режимини энг мақбул тарзда режалаштириш мақсадида улар тинч турган пайтларида, шунингдек бирон ишни бажараётган пайтларда уларнинг томир уриши ва танасининг температураси яна ўлчаб кўрилмоқда.

Кун мобайнида экипаж станциянинг турли зоналаридаги микроиқлимни аниқлаш учун ундаги ҳаво оқимларининг тезликларини ҳам ўлчамоқда.

Космик учиш шароитларида олий ўсимликларни ўстириш борасида экспериментлар давом эттирилмоқда. Ҳозир биологик объектлари бўлган установкаларда буғдой ва маккажўхорининг ўсиш кучи ўрганилмоқда, нўхотнинг ўсишига электр майдонининг таъсири тадқиқ этилмоқда. Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев кресс-салат, укроп, барг керам каби сабзавот экинлари билан экспериментлар ўтказмоқдалар.

Эртага экипажнинг визуал кузатишлар олиб бориш, станция бўлмаларини йиғиштириб тозалаш, душ қабул қилиш мўлжалланмоқда. Космонавтлар икки томонлама телевизион алоқа сеансларида оилалари билан учрашадилар.

Березовой билан Лебедев ўртоқларнинг соғлиғи яхши ва улар ўзларини дуруст ҳис этмоқдалар.

Ер атрофи орбитасидаги иш муваффақиятли бажарилмоқда.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

10 сентябрь куни республика бўйича 74.111 тонна хом ашё тайёрланди. Ана шунинг 4.139 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Бир кунда 5.522 тонна ингичка толали пахта териб олинди. Мавсум бошидан буён 456.495 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Ана шу ҳосилнинг 14.344 тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатилди. Шу кунгача 26.634 тонна ипак пахта тайёрлашга эришилди. Республикада 1.417,7 минг гектар майдондаги пахтазор дефолиация қилинди. 10 сентябрь куни ана шу ишда 654 самолёт ва 2.226 ер ашпарати қатнашди. Кунига 2.16 процент пахта тайёрлаётган Хоразм области деҳқонлари теримда энг юқори суръатга эришмоқдалар. Бухоролик заршунослар ҳам икки процентдан кўпроқ пахта тайёрламоқдалар.

ҚҚАССР

Автоном республика колхоз ва совхозлари дефолиация қилиш топшириғини бажардилар. 11 сентябргача 116,2 минг гектардан зиёд пахтазор дефолиация қилинди.

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомат Алиматов ва «Москва» совхозининг Соҳиб Қурбонов бошлиқ бригадалари пахта тайёрлаш йиллик планини бажаришганликлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар.

Қуйбишев номли совхоз механизатори Раъно Жонқувватова Ғузор районида биринчилар қаторида ўз агрегатини далага олиб чиқди. Ёш коммунист мавсумда 250 тонна дурдона териш мажбуриятини олган. Сергайрат механизатор 10 сентябрь куни агрегат бункеридан 7,1 тонна «оқ олтин» бўшатди.

АНДИЖОН

Москва» районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари теримда юксак суръатга эришяптилар. Бу ерда ҳар куни планнинг 4,5—5 процент миқдорида пахта тайёрланяпти. Колхоз аъзоларининг ҳосил йиғим-теримини 20 иш кунида ниҳоясига етказишни, ҳосилдорликни эса 42 центнерга етказишни кўзламоқдалар.

Комсомолобод ва Бўз районларида ғўза дефолиацияси тугалланди. Бу районларда ҳосилнинг 85—90 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланмоқда.

ФАРҒОНА

Бағдод районининг хўжаликлари орасида «Большевик» колхози карвонбошилик қилаётир. Кунига 4—4,5 процентдан пахта тайёрлаётган Аъзамжон Тожиалиев ва Абдурахим Икромов бошлиқ бригадаларнинг заршунослари мусобақа пешқадамлари бўлишмоқда. Яқин кунлар ичида 5 та механизациялаштирилган отряд ипатоволиклар усулида ҳосил йиғим-теримига киришади.

НАМАНГАН

Тўрақўрғон районидаги «Москва» колхозининг Сайдулла Бурхонов бошлиқ бригадаси аъзоматлари областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажаришганликлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. 65 гектар қўрик ернинг ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил олинди. Коллектив ҳосилдорликни 26 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

СУРХОНДАРЁ

10 сентябрь куни область далаларида 751 пахта териш агрегати ишлатилди. Ҳар бир машинанинг кунлик ўртача иш унуми 3,5 тоннани ташкил этди. Ленин йўли районида 350 машинанинг ҳар бири билан 3,8 тоннадан пахта териб олинди.

Қумқўрғон районидаги «Ўзбекистон» совхозининг Рустам Пўлатов бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Бригада деҳқонлари эл хирмонига 93 тонна хом ашё топширдилар. 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтарилди. Бригада коллективи сентябрь ойининг охригача ҳар гектар ерден яна 20 центнердан «оқ олтин» териб олиш мажбуриятини қабул қилди.

БУХОРО

«Ленинобод» колхозининг Ҳадича Маҳмудова бошлиқ бригадаси заршунослари Шофиркон районида биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини бажардилар. 40 гектар қўрик ернинг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтарилди. Деҳқонлар мавсум охиригача ҳосилдорликни 30 центнерга етказишга қарор қилишди.

САМАРҚАНД

10 сентябрь куни Нарпай районидаги «Партия XXVI съезди совхози пахтакорлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу ерда шу куни йиллик планнинг 8,8 процент миқдорида пахта тайёрланди. Хўжалик пахта тайёрлаш топширигини 40 процентга етказди.

Пайариқ районидаги К. Маркс номли колхозда теримчилардан Зиёда Лапасова ва Гулнора Юнусовага ҳеч ким тенг келолмаётир. Уларнинг ҳар бири 225 килограммдан дурдона термоқда. Бу чеварлар мавсум бошидан буён хирмонга 2,5—2,8 тоннадан пахта тўпишга эришди.

СОҲИБКОРЛАР СОВҒАСИ

Сурхондарё областининг Олтинсой райони меҳнаткашлари давлатга узум топшириш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 15 минг тоннадан зиёд узум топширилди. Ана шу ҳосилнинг 4 минг тоннаси БАМ қурувчилари, ноқоратупроқ ерларни ўзлаштирувчилар ва Тюмень нефтчиларига жўнатилди.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

10 сентябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда улар қадаҳ кўтариб, қисқача нутқ сўзладилар.

А. А. Громико БМТнинг ядро урушига йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш ишидаги муҳим ролини уқтириб ўтди. Л. И. Брежнев БМТ Бош секретари билан суҳбат чоғида уқтириб ўтганидек, Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватлайверади, деди у.

Х. Перес де Куэльяр жавоб нутқида Совет Иттифоқининг БМТдаги ижобий позициясини юксак баҳолади. У Л. И. Брежнев билан ўтказилган суҳбатлар, шунингдек Москвадаги музокаралардан роят мамнун эканини изҳор этди. БМТ Бош секретари СССР ҳукуматини ва совет халқини яқинлашиб келаётган катта байрам — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан самимий табриклади.

Совет томонидан зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Тушдан кейин Х. Перес де Куэльяр Ленинградга жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҚЎШИҚ БУЮК ҚАРДОШЛИКНИ ШАРАФЛАМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДА «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Тошкентнинг олтин кузи» санъат фестивали Ўзбекистон бўйлаб ёрқин ва жарангдор тарона бўлиб ёйилди. 11 сентябрь куни эрталабдан бошлаб пойтахтни республиканинг областлари билан боғлайдиган Тошкент аэропортида автобус трассаларида одатдан ташқари гавжумлик ҳукм сурди. Кўп миллатли совет маданияти Бутуниттифоқ байрами қатнашчилари — машҳур коллективлар, номлари бутун мамлакатдагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам яхши маълум бўлган таниқли ижрочи усталар Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларига жўнаб кетдилар.

Улар қардош халқлар маънавий бойлигини, уларнинг коммунистик бунёдкорлик муштарак идеалларига содиқлигини акс эттирувчи энг яхши музыка асарларини, қўшиқлар ва рақсларни саноат корхоналари ва қурилишларнинг меҳнаткашларига, беш йиллик иккинчи йили мавсуми кун сайин тобора қизиб бораётган пахтазорларнинг қаҳрамонларига, Озиқ-овқат программасида ўртага қўйилган вазифаларни сабот билан ҳал этаётган чорвадорларга туҳфа қилиб келтирдилар.

Мана, меҳмондўст ўлкадаги дастлабки учрашувлар, гулдурос қарсаклар остидаги концертлар ҳам бошланиб кетди... Олмалиқ кимёгарлари кўп миллатли давлатимизнинг юбилейи мусобақаси билан тайёрланган янги программасини намойиш этган Сибирь давлат Красноярск рақс ансамблини ўз маданият саройларида самимий кутиб олдилар. Ғазалкентдаги музыка мактабининг залида туркман хонандаси, СССР халқ артисти Майя Шаҳбердиева билан Киевдан келган «Днепрянка» бандурачи қизлар ансамблининг концерти зўр муваффақият қозонди.

Нукус аэропортида Арманистон давлат хизмат кўрсатган рақс ансамблини гуллар, табассум, қизғин таб-риклар билан кутиб олдилар. Бу ансамбль фестиваль кунлари Қорақалпоғистоннинг шаҳарлари ва районларида концерт қўйиб беради. Самарқандда Украинадан келган азиз меҳмонларни шодиёна кутиб олдилар. Киев давлат филармониясининг концерт ансамбли ва СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати Анатолий Соловьяненко бу ерга келди.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали театрлар ва маданият саройларида байрам чироқларини ёқмоқда, дилдан айтилаётган қўшиқлар ва шўх рақслар билан ишчилар клублари ва дала шийпонларига кириб бормоқда.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НАМАНГАН, 11 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Наманган область Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари ижроия комитет раиси М. Обидшоевнинг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида областда физкультура ва спортнинг аҳволи ҳамда уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги докладини муҳокама этдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Орлов иштирок этди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Социалистик Эфиопия Муваққат Ҳарбий Маъмурий Кенгашининг ва Эфиопия Меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссиясининг раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга телеграмма йўллаб, унда миллий байрам — Революция куни муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, совет халқи номидан ва шахсан ўз номларидан Эфиопия Меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссияси Марказий Комитетига, Муваққат Ҳарбий Маъмурий Кенгашга, Министрлар Советига ва дўст эфиоп халқига самимий қутловлар ва энг эзгу истакларини изҳор этдилар.

Халқларнинг чинакам миллий мустақиллик ва социал озодлик йўлидаги курашга тарихга ёрқин саҳифа ёзган Эфиопия революцияси мамлакатни чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар йўлидан ривожлантиришга асос солди, Эфиопия халқининг социализм принципларига асосланган янги жамият қура бошлашига имконият берди. ЭМПТК билан МХМК мамлакат халқ хўжалигини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат бош йўлга амал қилаётганлиги Эфиопия меҳнаткашларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Революция йилларидаги мобайнида Социалистик Эфиопиянинг халқаро позициялари мустаҳкамланди. Совет Иттифоқидагилар унинг тинчликни таъминлашга, куролланиш пойгасини жиловлашга, кескинликни юмшатишга қаратилган ҳамда планетадаги тинчликсевар кучларининг эътирофи ва ҳурматига сазовор бўлган принципиал ташқи сиёсий йўлига юксак баҳо бермоқдалар. Социалистик Эфиопия Африка халқларининг империализм, янги мустамлакачилик ва иркчиликнинг Африкадаги кирдикорларига қарши, қитъадаги барча мустақил мамлакатларнинг бирлиги учун кураш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Совет кишилари дўст Эфиопиянинг ютуқларидан астойдил қувонмоқдалар ва Эфиопия халқига иқтисодий ҳамда социал тараққиёт йўлида янги-янги зафарлар, мамлакатнинг суверенитети ва территориал бутунлигини муҳофаза қилиш борасида муваффақиятлар тилайдилар.

Телеграммада Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдирилган. Бу эса мамлакатларимиз халқларининг ва халқаро ҳамжамиятнинг манфаатларига, шунингдек ялпи тинчлик ва хавфсизлик ишига батамом мос бўлиб тушади.

(ТАСС).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЯНГИ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР — ҲАЁТГА

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти янги урф-одат ва маросимларни ҳаётга жорий этишда бой тажриба тўплаган. У қоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган вазифалар комплексида муҳим ўрин тутмоқда.

Урушда ҳалок бўлган кишилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик олдида ёшларга комсомол билетларини тантанали суратда топшириш, пионерлар сафига қабул ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш маросимлари ташкил қилинмоқда. Шон-шуҳрат музейида бирга хизмат қилган кишиларнинг учрашувлари уюштирилаётир, «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди», «Совет солдати, сенинг номинг абадийдир» тематик кечалари ўтказилмоқда. Колхозда янги турмуш қураётган йигит ва қизлар тўй тантанаси кунини эсда қолдириш учун катта иш қилинаётир. «Бахт уйи» уларнинг хизматида, комсомол тўйлари шу ерда ўтказилмоқда. Колхозчилар сафига қабул маросимини ҳаяжонли ташкил этишда хўжалик раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Юсупов бошқараётган оқсоқоллар кенгаши аъзолари актив фаолият кўрсатмоқдалар.

Амалга оширилаётган бу ишлар колхозчиларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги кучайиши, уларнинг маданий даражасининг ошишига хизмат қилмоқда. Хўжалик аъзоларининг 98 проценти социалистик мусобақа қатнашчиларидир, еттита ишлаб чиқариш бригадаси коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муяссар бўлди. Хўжалик йил сайин юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўлга киритмоқда. Хозирдаёқ давлатга гўшт, тухум, мева, сабзавот, нималарнинг ўн йиллик планлари муваффақиятли бажарилди.

Яқинда Хоразм область партия комитети Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг янги урф-одатлар ва маросимларни тарғиб қилиш ва меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича иш тажрибасини маъқуллади.

КОММУНИСТЛАРНИНГ АКТИВЛИГИ ОШМОҚДА

«Мубораказ» бошқармаси бошланғич партия ташкилоти КПСС XXVI съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажара бориб, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Бюро мажлислари ва партия йиғилишларида цех партия ташкилотларининг жанговарлигини кучайтириш, партия кучларини ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларига тўғри жойлаштириш масалалари кун тартибига қўйилаётир.

Коммунистларнинг аксарияти меҳнат коллективларида ишга виждонан муносабат, ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Масалан, Денгизкўл-Хаузак ва Ўртабулоқ бўлинмаларида ишни прогрессив усулда олиб бориш йўлга қўйилганлиги туфайли планлар ортиғи билан бажарилмоқда. Коммунистлар фаоллик кўрсатаётган бу ерда айни кунларда 1983 йил ҳисобига ёнилги қазиб олинаётир.

Коммунистларнинг ижодий активлиги ва онглилиги ошмоқда. Бу, айниқса, ҳисобот-сайлов кампанияси даврида ёрқин намоён бўлаётир. Ҳар бир партия аъзоси ўзи ишлаб турган коллективда белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқаришга партиявий таъсирни кучайтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирмоқда. Энг муҳими, бу йиғилишларда билдирилган таклиф ва истаклар инобатга олиниб, камчилик ва нуқсонлар зудлик билан бартараф этилмоқда.

Коммунистлар план ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда мавжуд ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш масалаларига катта эътибор бермоқдалар, социалистик мусобақани кенг оммалаштиришнинг актив ташкилотчилари бўлиб чиқмоқдалар. Бошқармада янги қувватлар мудлатидан илгари ишга туширилаётганлиги туфайли газ қазиб чиқариш кескин кўпайиб бормоқда. Кейинги бир йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 5,4 процент, газ қазиб чиқариш эса 8,1 процентга ўсди.

Бошқарма бошланғич партия ташкилотининг коммунистлар активлигини ошириш соҳасидаги фаолиятини муҳокама қилган район партия комитети ташкилот фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам эътиборни қаратди.

МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ — МУҲИМ МАСАЛА

Сирдарё областидаги 2513-автоколонна маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари автомобиль паркидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Корхонада янги техниканы ишлаб чиқаришга жорий этиш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш масалалари диққат марказида бўлаётир. Кейинги йилларда янги техника ва технологияни жорий қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича 18 тадбир амалга оширилди. 43 та рационализаторлик таклифи қўлланилганлиги туфайли йил сайин 14 минг сўм иқтисодий самара кўрилмоқда.

Автомобиль паркида икки коллектив бригада пудрати методи асосида ишламоқда. Ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақада ташаббускорлик кўрсатаётган шоферлар кўпайиб бораётир. Новатор-ҳайдовчилардан тўрт киши беш йиллик топшириқни икки ярим йилда бажариш мажбуриятини қабул қилди. Коллектив юк ташиш, юк обороти, меҳнат унумдорлиги, корхона қувватидан фойдаланиш планларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда.

Автоколонна қувватларидан самарали фойдаланиш масаласини муҳокама қилган Сирдарё область партия комитети мавжуд резервларга кўпроқ эътиборни қаратди. Ремонт қилиш, юк ортиш ва туширш пайтида машиналарнинг ортиқча бекор туришига йўл қўйилмоқда. Баъзи ташкилотларнинг транспортга бўлган эҳтиёжи етарли қондирилмаётир. Кадрларнинг, айниқса, ҳайдовчиларнинг қўнимсизлигига барҳам берилган эмас. Автоколонна партия ташкилоти бу борада жиддий иш олиб бориб, транспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда янада юксак кўрсаткичларга эришишни таъминлаши лозим.

● **ИЖЕВСК**

Уренгой — Помари — Ужгород газ қувури мураккаб сув тўсиғидан ўтиб, Каманинг ўнг соҳилига чиқди. Бунда сув ости — техника ишлар бошқармасидан И. Усенко комплекс бригадасининг хизматлари кўп бўлди. Бригада қувурни дарёдан графикда белгиланганига нисбатан анча илгари ўтказди. Коллектив Кама орқали газ қувурининг иккинчи қаватини ётқизишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

● **РОСТОВ-ДОН**

Ростов областида оммавий кузги кўчат ўтқазиш бошланди. Шаҳарлар ва қишлоқларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва Волгадаги жангнинг 40 йиллиги номидаги парклар барпо этиш мўлжалланади. Кўчалар ва майдонларда миллион тупдан кўп кўчат ўтқазилади.

● **ПИЦУНДА**

Грузия ССРдаги бу курорт шаҳрида Бутуниттифоқ орган музика фестивали очилди. Х аср ибодатхонасининг гумбазлари остида классиклар ва замонавий авторларнинг тароналари янгради. Фестивалда Москва, Болтиқ бўйи, Закавказьедан ижрочилар, шунингдек Югославия, Канада, Швейцариядан келган музикачилар қатнашмоқдалар.

● **ПУШКИНО**

Озарбайжоннинг пахта далаларига терим агрегатлари чиқди. Улар мўлжалланган ҳосилнинг камида учдан икки қисмини — булутургидан юз минг тонна кўп пахта териб беради. Бунинг учун техника базаси яратилди. «Зангори кемалар» паркига 700 та машина келиб қўшилди.

(ТАСС).

Озиқ-овқат программасига — ишчи кафолати

ШАРТНОМА АСОСИДА

Корхонамиз олти йилча муқаддам Янгийўл консерва заводининг филиали сифатида ташкил топган эди. Орадан икки йил ўтгач, у мустақил корхонага айланди ва бу билан қўрқ Сирдарё области саноатида яна бир янги тармоқ пайдо бўлди. Заводимиз ҳозир юксалиш йўлидан бормоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади. Корхона ташкил топган йили асосан икки хил маҳсулот: олма ва томат шарбатлари ишлаб чиқарилар эди, холос. Ўтган йилга келиб бир деярли 12 хилдаги маҳсулот чиқариш имкониятига эга бўлдик. КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, Пленумда қабул қилинган Озиқ-овқат программасига жавобан бу йилги ишларимизда жиддий ўзгаришлар ясаймиз ҳамда корхонамизда чиқарилаётган маҳсулот турини йил оҳиригача камида 16—18 хилга етказиш ниятидамиз.

Партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида Озиқ-овқат программасининг қабул қилиниши дилимиздаги муддао бўлди. Давримиз шиддат билан олға қараб бормоқда, фан-техника ривожланмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрликлари туфайли халқимизнинг турмуш фаровонлиги, шу билан бирга талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун биз, ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, қорвачилик фронтларининг заҳматкашлари билан ҳамкорликда ўз ишларимизда бурилиш ясамоғимиз лозим. Партия ва ҳукуматимизнинг бугунги кундаги талаблари ана шундайдир. Бу ҳол эса ўз навбатида бизлардан ишимизга танқидий кўз билан қараш, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоғини ошириш билан бирга уларнинг сифатини яхшилаш масалалари устида жиддий кураш олиб боришни тақозо этмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда корхонамиз коллективи бу йилги мавсумни одатдагидан деярли бир ой олдин бошлади. Чунки, ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида олдимизда ғоят катта вазифалар турибди. Жумладан, бу йил 330 минг сўмлик консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига жавобан корхонамиз ишчилари ва хизматчилари планга қўшимча равишда 55 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берганлар. Шунинг учун ҳам барча имкониятларни ишга солиб, зиммага олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш чораларини кўрмоқдамиз. Хозирнинг ўзидаёқ баъзи бир қувончли ютуқлар қўлга киритилаётганидан мамнунмиз. Маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик плани 4,5 баробар қилиб адо этилди. Бошқача айтганда, 50 минг ўрнига 222 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилдик ҳамда корхонамизнинг иқтисодий самараси юксалтириш борасида жиддий, сезиларли ютуққа эришдик. Бундан илҳомланган ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз янада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Заводимиз ҳали ёш, у йил сайин камолот сари интилаётган корхоналардан. Шунинг учун камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йили давлат планларини бажара олмадик. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планни 60 процентда, маҳсулотни реализация қилиш плани эса 87 процентда қолиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири — биз билан шартнома тузган колхоз ва совхозларнинг мева, сабзавот маҳсулотларини вақтида етказиб бера олмаганлиги, шунингдек, корхонамизнинг бир меъёрда ишламаганлигида бўлди. Ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, уларнинг олдини олиш, корхонанинг бир меъёрда ишлаши учун зарур чоралар кўрилаётир. Жумладан, янги мавсум олдидан янги буғ қозони ишга туширилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, одатдагидан ишни бир ой илгари бошладик ва заводимиз ишини уч сменада ташкил этдик. Областимиздаги 7 та йирик боғдорчилик, сабзавотчилик хўжаликлари билан қатъий шартномалар тузганмиз, уларга қатъий амал қиламиз. Хулоса қилиб айтганда, бу йилги план ва мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилиши учун имкониятлар етарли. Биз айни пайтда республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан жиддий ёрдам кутамиз. Чунки, корхонамизнинг асосий техник жиҳозлари эскириб қолган, уларни алмаштириш лозим. Буларсиз ҳозирги давримизнинг юксак талаблари асосида иш олиб боришимиз қийин. Шунингдек, малакали инженер-техник кадрларга ҳам муҳтожлигимиз бор. Ана шу масалалар муваффақиятли хал этилса, корхонамиз ишлаб чиқариш қувватининг ортиши, экономикасининг янада тез ривожланиши турган гап. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб заводимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камида бир ярим баробар ўсиши лозим. Маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида ҳам салмоқли тадбирлар амалга оширилади.

Н. СОКОЛОВА.

Гулистон консерва заводининг бригада бошлиғи.



СССР 60

Молдавия ССР ҳафталиги

Молдавия Совет Социалистик Республикасида ўн биринчи беш йилликда улкан ютуқлар қўлга киритилади. Беш йиллик мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 32 процент кўпайтирилади. Эндиликда Молдавия саноати бутун 1940 йилда тайёрланган ҳамма маҳсулотни етти кунда тайёрламоқда.

Республика қишлоқ хўжалиги ҳам тубдан ўзгарди. 1981 йилда 1940 йилдагига нисбатан 3,4 баравар кўпроқ ялпи маҳсулот етиштирилди. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Кейинги йигирма йил мобайнида миллий даромад 3,7 баравар ўсди. 1981 йилда республикадаги ҳар бир кишига мўлжалланган реал даромад 1965 йилдагига нисбатан 2,2 баробар ортди.

Совет ҳокимияти молдаван халқига барча қулайликларни яратиб берди. Республикада ҳозирги пайтда 1,6 миллион киши ўқимоқда. 8 олий ўқув юрти, 51 ўрта махсус ўқув юртлари 200 дан ортиқ мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаяпти. Илмий ходимлар сони 8 минг кишига етди.

Молдавия санъати янада ривожланди. 7 профессионал театр, давлат филармонияси, кўплаб халқ театрлари ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари самарали ишлаяпти. Республикада талантли ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтаршлар, композиторлар, артистлар ва кинематографчилар кўп.

Кишинёв трактор заводи — республика машинасозлигининг байроқдоридир. Бу ерда СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалар билан кутиб олиш ҳаракати авж олдириляпти. Совет халқлари қардошлиги рамзи сифатида яратилган кичик габаритли машиналар республика қишлоқ хўжалигига қўл келди. Бу машиналарни яратишда Кишинёв, Минск, Харьков, Владимир шаҳарларининг конструкторлари ҳамкорликда ишладилар. Ҳозирги пайтда тракторлар учун узел ва деталларни ўнлаб турдош корхоналар етказиб бераётир.

Суратларда: (юқорида) Молдавия ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Дмитрий Тимофеевич Урсул. Пастдаги суратда эса Кишинёв трактор заводининг тайёр маҳсулотлар майдони.

М. Потирнике ва А. Симановский фотолари. ТАСС фотохроникаси.



Район матбуоти саҳифаларида

ҲАЁТИЙ МАВЗУ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидаги докладида ўртоқ Л. И. Брежнев Озиқ-овқат программасини бажариш совет кишиларининг зўр ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги билан амалга оширилажагини таъкидлаб, шундай деган эди: «Кадрларимизнинг билимлари ва ташкилотчилик санъати, партиянинг омма ўртасидаги ишларда тўплаган бутун бой тажрибаси, — шуларнинг ҳаммаси ишга солиниши лозим». Район газеталарининг айримларини ҳозан кечиргандаёқ матбуотимизнинг қуйи бўғини ана шу кўрсатмага ҳамоҳанг иш тутаётганлигини, меҳнаткашларни Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кун сайин сафарбар этишда, илғор тажрибаларни оммалаштиришда партия комитетларига самарали ёрдам кўрсатаётганлигини кўриш мумкин.

Қизилтепа район «Қизил тонг» газетаси саҳифаларида қоракўлчиликни ривожлантириш, чорва наслини яхшилаш, ёрдамчи ва шахсий хўжаликларда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш масалалари мунтазам ёритилаётир. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини исроф қилмаслик газета ижодий коллективининг диққат марказида. Район халқ контроли комитети, «Комсомол прожектори» штаби билан ҳамкорликда оммавий рейдлар ва текширишлар ўтказилаётир. Газета «СССР 50 йиллиги» паррандачилик фабрикасини ўз отаолиғига олди. Корхона мутахассисларининг редакция ўтказган «Давра суҳбати»да қолоқлик сабаблари чуқур таҳлил қилинди, резервларни ишга солиш йўллари ҳақида фикрлашиб олинди. Газета материали асосида фабрикада қувватларни оширишнинг кенг кўламли режалари амалга оширилди. Корхонада район газетасининг мухбирлар пости самарали иш олиб боряпти.

Оқолтин район «Оқ олтин», Тошлоқ район «Тошлоқ тонги», Калинин район «Ленинчи» газеталарининг редакциялари ҳам КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини, Озиқ-овқат программасини пропаганда қилишда, меҳнаткашларни партия илгари сурётган вазифаларни бажаришга отлантиришда бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. «КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга оширамиз», «Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши» сингари рубрикалар кўпгина район газеталари саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олмоқда. «Оқ олтин» газетаси бу мавзуда бир қатор тематик саҳифалар эълон қилди.

Тошлоқ районидаги М. Горький номидаги совхоз партия ташкилоти қишлоқ аҳлини партия илгари сурган вазифаларни бажаришга изчил сафарбар этмоқда. Бунинг учун партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдаланмоқда. Газетанинг кейинги сонларидан бирида мана шу хўжаликда пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчиликни ривожлантириш тажрибаси кенг» ёритилди. Партия комитетининг секретари Ў. Ҳолматов, сут соғувчи Л. Нурматова, бригада бошлиқлари О. Турсунов ва Х. Тўйчиевларнинг мақолаларида май Пленумидан кейин амалга оширилган ишлар, дастлабки тажрибаларни умумлаштиришга бўлган интилиш яққол сезилади.

Газета қишлоқ меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришдаги активлигини кучайтиришда агитаторлар, сиёсий ахборотчиларнинг кун сайин олиб бораётган ташвиқот ва тарғибот ишларини анча кенг ёритмоқда. «Партия XXII съезди» колхозида ўтган очиқ партия йиғилишида ҳар бир кишининг Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшадиган шахсий ҳиссаси, коммунистларнинг бу ишдаги авангардлиги хусусида гап борди. Мана шу йиғилишда кўтарилган масалаларни ёритишга газета ўзининг бутун бир саҳифасини бағишлади. «Озиқ-овқат программаси — ҳамманинг муҳим иши» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган бу материалларда коллективнинг режалари, юксак марраларни эгаллаш учун ишга солиниши керак бўлган резервлар, моллар наслдорлигини ошириш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилди.

Калинин район «Ленинчи» газетаси саҳифаларида коммунистлар, қишлоқ меҳнаткашларининг актив ҳаётий позицияси, партия белгилаб берган вазифаларни оғишмай бажариш учун юксак масъулият туйғуси кенг, ранг-баранг жанрларда, ўқимишли ёритилмоқда. «Коммунистнинг шарафли бурчи», «Меҳнатга муносабат», «Партия ташкилотларининг муҳим вазифалари» сарлавҳали бош мақолалар фикримизнинг далилидир. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин газета саҳифаларида «Коммунист мактублари», «Коммунист ўз коллективи ҳақида» сингари янги рубрикалар пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўлайтириш юзасидан ибратли ташаббус бошлаб берган ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ҳаракатини кенг ёйиш йўлида изчил иш олиб борилаётир. «Ташаббускорлар қандай ишлашмоқда?» рубрикаси остида эълон қилинаётган материалларда илғорлар ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлиги мароқли ҳикоя қилиб берилаётир.

Дарҳақиқат, кўпчилик район газеталари ҳаётий муҳим мавзуни ёритишда ўзларининг муайян йўлларини топиб олганликлари кўриниб турибди. Уларнинг ижодий коллективлари мавзуни ёркин, кенг кўламда, ўқимишли ёритиш учун муттасил изланаётирлар. Лекин бир қатор газеталарда партия, совет ва хўжалик органларининг қайноқ ташкилотчилик фаолияти, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак пировард натижа учун мусобақаси ҳақида оддий ахборот билангина чекланиб қолинмоқда. Табиийки, бундай ишнинг на таъсирчанлиги, на самараси ҳақида гап бўлиши мумкин. Чунончи, **«Поп район «Коммунизм учун» газетаси** саҳифаларида ана шундай манзара кўзга ташланади.

Мавзуни ҳар томонлама чуқур ёритиш, янги-янги формаларда мазмунлор чиқишлар ташкил этиш **Ворошилов районн «Янги ҳаёт» газетаси** коллективининг ҳам эътиборидан четда қолаётир. Газетанинг муҳим мавзуга бағишланган айрим материаллари енгил-елпи тайёрланмоқда. Қуруқ чақириқлар, шиорлар тез-тез кўзга ташланган ҳолда, улар меҳнат коллективларидаги жўшқин яратувчилик ишлари ёритилган мукаммал материаллар билан мустаҳкамланмаётир. Газета саҳифалари кўпинча область ва республика газеталаридан кўчириб олинган мақолалар, турли ҳисоботлар билан тўлиб чиқмоқда. Кўпчилик материалларда коллективлар қабул қилган мажбуриятлар, белгиланган марралар тилга олинади-ю, лекин ваъдани уддалаш йўлида кун сайин олиб борилаётган филокорона ишлар ёритилмайди.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошириш, Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида қизғин иш олиб бормоқдалар. Колхоз ва совхозларда, чорва комплексларида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ва савдо ташкилотларида социалистик мусобақа кун сайин тобора қизғин тус олаётир. Матбуотимиз мана шу яхлит, бир бутун комплекс — агросаноат комплексининг бир маромда, ғоят самарали ишлаш масалаларини, меҳнаткашларнинг яратувчилик ишларини таъсирчан, ўқимишли ёритишга даъват этилгандирлар.

СССР 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

Жонажон Ватанимизнинг тарихий обидаларга бой, ўтмиш силсилаларини ҳамиша ёдга солиб турувчи азим шаҳарларига сайру сеёҳат қилиш, донгдор кишилари билан учрашиб, бир дам суҳбат қуриш, янги-янги дўст-биродарлар орттириш кишига қанчалар завқ, қувонч бағишлайди. Айниқса, ёш кезларида бўладиган бундай сеёҳатлар, учрашувлар бир умрлик хотира бўлиб қолади. Яқинда республикамиздан Россия Федерацияси бўйлаб сафарга чиққан қишлоқ хўжалиги ветеранларидан 330 киши ажойиб таассуротлар, янги меҳнат ғайрати билан уйларига, коллективлари багрига қайтиб келишди. Юртдошларимиз қаерда бўлишмасин, қайси коллективлар билан учрашишмасин, ҳамма ерда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Саёҳат давомида меҳнат илғорлари билан бўлган учрашувларда улар ҳам россиялик биродарларига ўз коллективлари ҳаёти ҳақида, СССР 60 йиллиги шарафига амалга оширилаётган ишлар ва режалар, қўлга киритилаётган муваффақиятлар тўғрисида сўзлаб беришди. Қуйида ана шу сафар раҳбари Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. В. ВОСИҚОВ бу ҳақда ҳикоя қилади:

— КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида меҳнат қилаётган институтимиз коллективи мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида қатор салмоқли ишларни олиб бормоқда. Коллективимиз ташаббуси билан СССР 60 йиллигига бағишлаб Россия Федерациясига уюштирилган республикамиз меҳнат илғорларининг туристик сеёҳати ана шундай ишлардан бири бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда республика Министрлар Совети ҳамкўрлиги остида ўтган қишлоқ хўжалиги ветеранларининг бу сафари ҳақида сўзлашнинг ўзи кишига завқ бағишлайди. Бундан аввал ҳам юртдошларимизнинг қардош республикаларга коллектив сеёҳатлари етти марта ташкил қилинган эди. Бу сеёҳатларда республикамизнинг 2500 га яқин меҳнат ветеранлари, РСФСРда, Украинада, Белоруссияда, қардош Озарбайжонда ва Болтиқ бўйи республикаларида бўлишганди. Институтимиз томонидан ташкил қилинган навбатдаги сафарнинг қатнашчилари Россия Федерациясининг бир-биридан кўркам, тарихий шаҳарларида бўлишди. Бу сафар давомида республикамиздан икки Совет Иттифоки Қаҳрамони, 21 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходимларидан 14 киши, ўн бир миллат вакилининг иштирок этганлиги қувонарлидир. Сафаримиз турли миллат фарзандларининг ўзаро баҳамжиҳатлиги, дўстлиги ва қардошлигининг ёркин намойишига айланди.

Дўстлик поезди бизни аввал Ватанимиз пойтахти — Москвага элтди. Бизнинг Москвада меҳнат коллективлари билан учрашувларимиз катта тантанага айланиб кетди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, саёҳатчиларимиз қаерга боришмасин, уларни нон ва туз, гуллар билан, куй-қўшиқлар билан кутиб олишарди. Москвага саёҳат бир умр ёдимиздан чиқмайди. Пролетар революциясининг доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва ташкилотчиси В. И. Ленин мавзолейига ҳамда Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйиш маросими ветеранларимиз учун ниҳоятда ҳаяжонли бўлди.

Ленинграддаги учрашувларимиз ҳам ўзига хос анъана тусини олди. Бу ерда, Смольнийдаги Ленинград меҳнаткашлари вакиллари билан учрашувдаги катта митингда сўзга чиққан фарғоналик С. Отажонов бизни шундай шоду-хуррамлик билан кутиб олганликлари учун меҳмондўст ленинградликларга миннатдорчилик изҳор этаркан, фарғоналиклар билан ленинградликлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари ўзига хос тарихга эга эканлигини айтиб ўтди. Маълумки, фарғоналиклар 30-йиллар бошида Ленинграддан, Киров заводи ишчиларидан 2 та «Фордзон» тракторини совға сифатида қабул қилишганди. Ушандан бери Киров заводи коллективи билан Фарғона областининг Киров райони меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳар бир инсоннинг ўз кечмишлари бўлганидек, шаҳарларнинг ҳам ўзига хос тарихи, ўтмиши ва келажаги, киши диққат-эътиборини тортадиган белгилари бўлади. Шунинг учун ҳам биз бўлган шаҳарларнинг ҳар бири сайёҳларга ўзига хос гўзал таассуротлар қолдирди. Жаҳонга номи кетган Волгоград шаҳри, айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг қалбларини тўлқинлантириб юборди. Негаки, уруш йиллари тамоман вайрон бўлган бу азим шаҳар эндиликда азамат ишчилар синфининг қудратли кучи, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар кўмаги билан ўз қаддини тиклаб, юксалиб, кўркамлашиб кетганлигининг ўзи кишида илиқ туйғулар уйғотади. Сирдарёлик Х. Умарова билан учқўрғонлик А. Ғафуровлар Улуғ Ватан уруши йилларида Сталинград ҳимоясида қатнашиб, шаҳар учун қон тўккан кишилар. Ўша йиллари Сталинграддаги қақшатқич жангларнинг шоҳиди бўлган бу икки ветераннинг волгоградликлар билан учрашгандаги ҳаяжонини тасвирлаш қийин. Волгоград ва унинг аҳолиси бу уруш ветеранлари учун иккинчи қадрдон юрт, қадрдон ога-инилар бўлиб қолишганди. Саёҳатчиларимизнинг Псков шаҳрига бўлган сафарлари ҳам ғоят қизиқарли ўтди.

Ғиждувон районидаги Ленин номли колхознинг меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қ. Ҳусенова билан гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси П. Тужилинларнинг республикамиз пахтакорлари ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоялари мезбонларимизда катта таассурот қолдирди. Бу йил республикамиз меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйини Ватанга 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони етказиб бериш билан кутиб олишади. Меҳнат ветеранларимизнинг, айниқса, ана шу «оқ олтин»имиз ҳақидаги ҳикоялари новгородлик дўстларимизда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Ўзбекистонимизнинг қардош республикалар билан кўп йиллик дўстона алоқалари ҳақидаги қорақалпоғистонлик Т. Кошановнинг, жиззахлик Р. Фармонов билан самарқандлик А. Аракеловларнинг, сурхондарёлик А. Аллонов ва сирдарёлик С. Потатуевларнинг ҳикояси Совет Иттифоқи халқлари бузилмас дўстлигининг ҳаётийлигидан далолат бериб турарди.

ЭНГ МАШҲУР ЛОЙИҲАЛАР ВА ШУ ЛОЙИҲАЛАРГА МУЗОФИҚ ҚУРИЛИШЛАР ЧУН 1983 ЙИЛГИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШГА МАТЕРИАЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг энг машҳур лойиҳалар ва шу лойиҳаларга мувофиқ қурилишлар учун бериладиган мукофотлар комиссияси 1983 йилги мукофотларни беришга материаллар қабул қилади. Материаллар 1983 йилнинг I январига қадар қабул қилинади.

СССР Министрлар Совети мукофотларини олишга энг машҳур лойиҳалар ва шу лойиҳаларга мувофиқ корхоналар (корхоналар группаси), бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг планлари, қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда; қурилиш, архитектура, биноқорлик материаллари, қурилиш ва йўл машинасозлиги соҳасида илмий проблемалар ҳамда фан ва техниканинг жуда катта ютуқларини жорий этишда бевосита қатнашган ходимлар коллективлари кўрсатилиши мумкин.

Жамоатчиликка манзур бўлган шу ишлар ҳозирги замон фани ва техникасининг ютуқларига мос бўлиши, қурилишда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ғоятда самарали ташкил этишни, фан-техника тараққиётини таъминлаши, хом ашё ва ёқилғи-энергия ресурсларини тежаши ва улардан рационал фойдаланишга имкон бериши, материал сарфини ва таннархини арзонлаштириши, меҳнат сифати ва унумдорлигини ошириши, ташкилий ишлар, технология ва бошқаришни такомиллаштириши керак.

Ишлар бир вақтда СССР Министрлар Советининг мукофотларини ҳамда Ленин мукофоти ва Давлат мукофотини олишга тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Коллективларни кўрсатиш ва материалларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан СССР Министрлар Советининг мукофотлар комиссиясига қуйидаги адрес билан мурожаат этмоқ лозим: 103828, Москва, К-9, Маркс проспекти, 12/СССР Госстройи.

Справкалар учун телефонлар: 292-62-49, 292-61-10.

БУГУН — ТАНКЧИЛАР КУНИ

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Бугун совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари анъанавий Танкчилар кунини нишонлайдилар. Бу кун Совет Армиясининг жанговар тарихидаги энг шонли сана сифатида байрам қилинади. Бугунги кунда Совет Иттифоқининг ва ҳорижий мамлакатларнинг кўпгина шаҳарлари майдонларида ва кўчаларида ёдгорлик сифатида савлат тўкиб турган совет танкига дуч келиш мумкин. Булар совет танкчиларининг Улуғ Ватан уруши жангларида кўрсатган тенгсиз мардлиги ва қаҳрамонлигига ўрнатилган ёдгорликлардир.

Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши йиллари Совет танк қўшинлари бошқа турдаги қўшинлар қатори герман фашизми ва япон милитаризми устидан ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшди. Сон-саноксиз қурбонлар эвазига қўлга киритилган ғалаба совет халқининг бугунги тинч ҳаёти ва меҳнатида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг бунёдкор ишларида яшамоқда. Совет Армиясининг ҳалоскорлик миссияси — фашистлар асоратидан қутқазилган Европа ва Осиёдаги 13 мамлакат халқлари ҳотирасида абадий яшайди.

Кейинги пайтларда империалистик доираларнинг айби билан халқаро вазият кескинлашди. АҚШнинг урушқоқ доиралари қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар. Урушда ишлатишга мўлжалланаётган қурол-яроғлар, шу жумладан танклар сони кўпайтирилмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда Совет Иттифоқи совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини мудофаа қилиш чораларини кўрмоқда. Армияни замонавий қурол-яроғлар, танклар, малакали кадрлар билан таъминламоқда. Совет танкчилари жанговар маҳоратларини изчиллик билан такомиллаштирмоқдалар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига «Совет халқининг тинч меҳнатига — ишончли ҳимоя!» шиори остида авж олиб кетган социалистик мусобака жараёнида аълочи ва моҳир мутахассислар, уста танк ҳайдовчилар ва мерганлар сафи янада кенгаймоқда.

Қизил Байроқ орденли Карпат олди ҳарбий округи. Машҳур Самаро-Ульяновск-Бердичев матонатли мото-ўқчи дивизиянинг танкчилари ўз байрамларини жанговар ва сиёсий тайёргарликда катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Суратда: Ярославль шаҳридан келган собиқ такси ҳайдовчи, эндиликда танкнинг механик-ҳайдовчиси оддий аскар А. Карлишев ўз «зирҳли тулпорида» машқларни аъло даражада уддалади.

В. Песляк фотоси. (ТАСС).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун—мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ғиждувон	28,01	—
Бухоро	21,38	—
Олот	20,00	—
Когон	19,23	—
Вобкент	18,05	—
Шофиркон	17,77	—
Свердлов	17,40	—
Қоракўл	16,23	—
Пешку	14,27	—
Ромитан	9,34	—
ХОРАЗМ		
Гурлан	20,60	0,06
Шовот	17,94	2,29
Хива	17,10	—
Хонқа	15,36	2,14
Ҳазорасп	14,74	0,06
Янгибозор	11,12	0,68
Янгиариқ	10,01	0,69
Қўшкупир	9,34	0,13
Боғот	9,27	0,04
Урганч	8,93	0,05
НАВОИЙ		
Қизилтепа	15,42	0,46
Навбаҳор	13,05	0,17
Навоий	10,64	—
Хатирчи	7,68	—
СУРХОНДАРЁ		
Кумқўрғон	16,78	3,61
Ленин йўли	15,72	16,55
Денов	13,64	—
Термиз	12,42	—
Сариосиё	12,05	0,51
Шўрчи	11,19	0,47
Олтинсой	9,77	—
Жарқўрғон	9,39	—
Бойсун	8,42	4,17
Ангор	8,14	—
Шеробод	6,72	3,96
Ғагарин	2,03	0,39
ҚҚАССР		
Тўрткўл	17,51	—
Беруний	12,62	—
Элликқалъа	10,98	—
Амударё	8,22	—
Қўнғирот	6,57	—
Ленинобод	5,96	—
Шуманай	5,75	0,54
Чимбой	5,67	0,11
Нукус	5,49	—
Кеғайли	4,51	0,20
Хўжайли	3,09	—
Қораўзак	2,59	—
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шаҳрисаба	14,52	—
Кўкдала	12,74	—
Яккабоғ	12,67	—
Қамаши	11,19	—
Китоб	10,86	—
Ғузор	9,57	0,56
Чироқчи	7,93	0,31
Қасон	6,40	0,18
Қарши	5,97	0,99
Ульянов	4,85	—
Муборак	4,62	4,17
Нишон	3,53	0,56
Баҳористон	2,39	0,26
Усмон Юсупов	1,57	—
Толлимаржон	0,90	—
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Ленин	14,84	—
Андижон	11,47	—
Избоскан	10,15	—
Пахтаобод	9,07	—
Москва	8,96	—
Олтинкўл	8,31	—
Марҳамат	7,49	—
Хўжаобод	6,66	—
Балиқчи	6,41	—
Бўз	4,66	—
Комсомолобод	2,88	—
Жалолқудуқ	2,59	—
Қўрғонтепа	2,53	—
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Уйчи	13,74	—
Чуст	13,01	—
Наманган	12,88	—
Тўрақўрғон	10,21	0,15
Чортоқ	9,48	—
Норин	6,80	—
Янгиқўрғон	6,70	—
Косонсой	5,53	—
Поп	3,89	0,15
Учқўрғон	3,22	0,01
Задарё	0,48	—
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Оқдарё	8,57	—
Каттақўрғон	8,44	—
Пастдарғом	7,48	—
Нарпай	6,95	0,13
Иштихон	6,93	—
Пахтачи	6,91	0,11
Жомбой	6,09	—
Пайариқ	4,94	—
Большевик	4,12	—
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинград	12,98	—
Охунбобоев	10,31	—
Ўзбекистон	7,19	—
Қува	6,87	—
Бувайда	6,57	—
Киров	6,54	—
Риштон	6,53	—
Ғағдод	6,10	—
Фрунзе	5,49	—
Тошлоқ	4,53	—
Фарғона	4,30	—
Олтиариқ	3,30	—
Ёзёвон	2,24	—
Қувасой шаҳри	1,61	—
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Фориш	10,16	—
Жиззах	5,01	—
Зарбдор	1,33	—
Октябрь	0,67	—
Пахтакор	0,65	—
Мирзачўл	0,62	—
Дўстлик	0,24	—
Арнасой	0,20	—
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Сирдарё	2,23	—
Комсомол	1,54	0,39
Боёвут	1,44	—
Гулистон	1,18	—
Ворошилов	1,16	—
Ховос	1,04	—
Меҳнатобод	0,94	—
Оқолтин	0,53	—
Ильич	0,25	0,03
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Янгийўл	2,85	0,24
Бўка	2,30	1,11
Оққўрғон	1,91	—
Бекобод	1,82	—
Пискент	1,32	—
Чиноз	1,09	—
Ўрта Чирчиқ	0,89	0,48
Коммунистик	0,40	—
Ғалаба	0,14	—

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

НАСЛЧИЛИК ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан илҳомланиб республика партия ташкилотининг раҳбарлигида чорвачиликни ривожлантиришни янада тезлаштириш соҳасида белгиланган ишларни олиб бормоқдалар.

Чорвачилик саноат технологияси негизига ўтказилмоқда, 140 сут комплекси ва механизациялаштирилган фермалар қурилиб, муваффақиятли ишлаб турибди, қорамолларни бўрдоқига боқиш бўйича йирик хўжаликлар, чўчқачилик комплекслари ва замонавий паррандачилик фабрикалари ишга туширилди, барча областларда наслчилик хўжаликлари ташкил этилди.

Чорвачиликни саноат негизига ўтказиш бундан кейин ҳам давом этаверади. Шу йилнинг ўзидаёқ 60 дан зиёд янги ғаллачилик-чорвачилик совхозлари ташкил этилди.

Чорвачиликни индустриалаштириш жараёни фандан бир қатор принципиал жиҳатдан янги масалалар ва проблемаларни ҳал этишни талаб қилади. Бу масалаларнинг кўпчилиги чорвачилик институти олимлари, лойиҳачилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлигида ҳал этилмоқда. Фақат сўнгги ўн йил ичидагина маккажўхори, лавлаги, жавдар, тритикалий кўп ўриладиган сортли сорго ва сули каби юқори унумли озуқа экинлари яратилиб, жорий этилмоқда.

Суғориладиган ҳар оир гектар ердан бутун йил давомида фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилмоқда. Республикамизда бизнинг шароитлар учун янги бўлган рапс ва перко каби озуқа экинлари жорий этилянти. Шу йилнинг ўзидагина оралиқ, қайта ва аралаш экинлар 300 минг гектар ерга экилади, Фарғонадаги «Оқ олтин» колхози, Тошкент областидаги «Политотдел» колхози ва бошқа кўпгина хўжаликларда оралиқ ва такрорий экишни жорий этишдан, яшил конвейер схемасини ишлаб чиқишдан ҳар бир гектар суғориладиган ерда 15—16 минг озуқа бирлиги олишмоқда. Бу хўжаликлар одатдаги шароитларда 6—7 ой давомида сигирларни яшил озуқа билан боқиш муддатини 8—9 ойгача узайтирдилар, озуқа рационига эса турли-туман емлардан иборат. Бу хўжаликларда ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 4500—4800 килограммни ташкил этаётганлиги бежиз эмас.

Бир сўз билан айтганда, республика партия органларининг қатъий куч-ғайратлари асосида, ишлаб чиқарувчилар ва илмий ходимларнинг сабот ва матонат билан олиб бораётган меҳнати натижасида чорвачиликни янада ривожлантириш учун яхши негиз ташкил этилди.

Бироқ бизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб проблемалар, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришнинг кўпгина резерв ва имкониятлари бор. Улардан фойдаланиш кўп жиҳатдан КПСС Марказий Комитети май Пленуми талабларига жавоб берувчи янги принципиал илмий таклифларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга боғлиқдир.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришнинг бош резервларидан бири — чорвачиликда селекция-наслчилик ишларини тубдан яхшилашдир. Бу йўналишда анчагина ишлар амалга оширилди: чорвачилик билан шуғулланувчи олимлар меҳнати натижасида молларнинг янги зотлари, зот группалари, типлари яратилди, булар — бушуевская зоти сут маҳсулдорлиги бўйича ва иссиқ иқлимга мослашганлиги жиҳатидан ўзига хос ва Ўзбекистон қора-ола моли бўлиб уларнинг сони ҳозирги вақтда 400 минг бошни ташкил этади. Бу молларнинг янги завод навлари 4 процент ёғга эга бўлган 5000—7000 минг килограмм сут бериш имкониятига эга.

«Чиноз», «Коммунизм» наслчилик заводлари молларнинг ана шу навларини кўпайтира бориб, ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 5 минг килограммдан ортиқ сут соғиб олмоқдалар.

Сўнгги йилларда республикамизда ихтисослаштирилган гўшт чорвачилиги ривожланиб бормоқда, ҳозир бу ердаги чорва молларининг сони 180 минг бошни ташкил қилади. Юқори унумли гўшт берадиган санта-гертруда зотини кўпайтириш бўйича Ўзбекистон бу чорва наслчилигининг асосий базасига айланди. Республикада келтирса мўлжалланган селекция-наслчилик ишлари комплекс плани ишлаб чиқилган ва гасдиқланган, худди шундай планлар чорва моллари ҳар бир зоти бўйича ва асосий наслчилик заводлари бўйича ҳам ишлаб чиқилган. Молларнинг асосий зотлари бўйича наслчилик ишлари китоблари босмадан чиқарилган.

Чорвачиликни саноат негизига кўчириш селекционер-олимлар, мутахассис-чорвадорлар олдига янги вазифалар, замонавий комплекслар эса чорвадорлар олдига янги талаблар қўяди. Қимматбаҳо сут комплекслари сут бериш даврида 3500—4000 килограмм сут берадиган сигирлар билан таъминланган ҳолдагина ўз баҳосини қоплайди. Моллардан талаб этиладиган асосий шарт — уларнинг елини яхши ривожланган, машинада соғишга мўлжалланган ва бир минутда 1,5—2 килограмм сут бериш имкониятига эга бўлиши керак. Сут соғиб олиш учун мўлжалланган чорвачиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири — озуқага сут билан ҳақ тўлашдир. Тажриба шуни кўрсатадики, сигирларнинг сут бериш маҳсулдорлиги қанча яхши бўлса озуқани сут билан қоплаш шунча юқори, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқа миқдори шунча кам бўлади; агар 5000 килограмм сут берадиган сигир бир килограмм сут учун бир озуқа бирлиги сарфласа, 2500—3000 килограмм сут берадиган сигир 2,9 — 2,0 ва ундан кўпроқ озуқа бирлиги сарф қилади. Демак, озуқани тежамли сарфлаш учун юқори маҳсулдорли сигирларни боқиш фойдалидир.

Комплексларда бир қорамолни парваришлаш 2—2,5 минг сўм туришини назарга олган ҳолда, 2,5—3 минг ўрнига 5000 килограмм сут берадиган сигирларни парваришлаш, 200 сигирдан 500—600 тонна ўрнига 1000 тонна сут соғиб олиш ўринли бўлади.

Шуни дадил айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда республикамиз барча турдаги қишлоқ хўжалик моллари ва паррандаларининг бой генетик фондига эга.

Генетик фонд — республикамиз чорвачилигининг чинакам олтин фондидир. Асосий вазифа шундан иборатки, барча чорвачилик хўжаликларида, ферма ва паррандачилик фабрикаларида ундан самарали фойдаланиш лозим.

Бу мақсадга эришиш учун нима қилмоқ керак?

Биринчи навбатда, зотдор буқалардан энг кўп даражада фойдаланиш мақсадида молларни сунъий қочириш йўлини янада ошириш, улардан кўп миқдорда насл олиш керак. Самарали ва илмий асосланган сунъий қочириш ишини йўлга қўймай туриб, ҳозирги вақтда наслчилик ишида яхши натижага эришиш мумкин эмас.

Республика наслчилик корхонасида сут бериш даврида 9—10 минг килограмм сут соғиб олинадиган потенциал самарали юқори наслчилик қимматига эга бўлган план зотларини етиштирувчи буқалар тўпланган. Бироқ, республиканинг барча хўжаликларида ҳам молларни сунъий қочиришни ташкил этишга етарлича эътибор берилмаяпти, бу муҳим иш учун малакали мутахассислар етишмаяпти. Баҳолонки, айнан малакали урчитувчи-техникнинг меҳнати сунъий қочириш, қисир қолишни тугатиш юқори миқдорда бузоқ олиш ва уларнинг айнан наслдор моллардан олинишини таъминлайди. Шу сабабли ходимларни синчиклаб танлаш, айниқса уларнинг ветеринария мутахассислари бўлишига эътибор бериш урчитувчи-техникларг ўқувини кенг ташкил этиш, уларни мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш кундалик зарурияти дир. Тошкент областининг «Коммунист» колхозидан Г. Каменева, Андижон областининг «Савай» совхозидан И. Вейсалов, Фарғона областининг «Бешариқ» совхозидан А. Яхшибоев каби техникларнинг кўрсаткичлари намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар мунтазам равишда ҳар юз сигирдан 95—98 тадан бузоқ олмоқдалар. Бузоқ етиштириш ишидаги муҳим тадбирлардан бири молларни ўз вақтида қочиришдир. Сигирларни бузоқлашдан бир ой ўтгач урчитиш лозим. Ҳар юз сигирдан 70 тадан бузоқ олинаётган хўжаликларда урчитиш моллар бузоқлаганидан кейин 3—4 ой ўтгач амалга оширилади. Бунда ҳар бир сигирдан 240—270 килограммдан сут йўқотилади. Республика бўйича юз минг сигирнинг қисир қолишига барҳам бериш, қочириш муддатини ўтказиб юбормаслик ва бузоқларни парваришлашни яхшилаш натижасида қўшимча равишда 240 минг тонна сут ва сўйилган вазнда 80 минг тонна гўшт олиш мумкин.

Йирик сут фермалари ва комплексларида молларнинг қисир қолишини йўқотиш учун Ўзбекистон шароитларига тадбиқан чорвачиликнинг поток-цех методи асосида парваришлаш ишлаб чиқилган, у ҳозир республиканинг кўпгина хўжаликларида жорий этилмоқда. Масалан, Фарғона областининг «Бешариқ» совхозида мавжуд фермада ушбу методни жорий қилиш ҳеч қандай қўшимча маблағсиз йилига ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 2 центнерга ошириш, ҳар юз сигирдан 90 тадан бузоқ олиш имконини беради.

Соғлом бузоқлар олиш, бузоқларганидан сўнг сигирлар сутини қўпайтириш учун молларни норма асосида боқиш муҳим омил ҳисобланади. Етарлича озуқа бермаслик, балансланмаган тарзда боқиш молларнинг тўйишини камайтиради, бузоқлар ниҳмжон бўлиб туғилади, сигирлар эса бузоқлаганидан сўнг максимал маҳсулдорлигига жуда суст даражада эришади. Шу сабабли бузоқлашдан икки ой олдин сигирларни соғишни тўхататиш ва уларни алоҳида группаларга ўтказиш зарур. Соғиладиган сигирларни 28—30 процентгача кўпайтириш, шунингдек, подада сигирларнинг сонини 40 процент ва ундан кўпроққа етказиш учун республикада ҳар йили 200—250 минг бузоқни ўстиришга қолдириш керак. Бузоқчилик хўжаликларида моллар сонини тўлдириш учун қолдирилган бузоқларни шундай парвариш қилиш керакки, улар боқишнинг 18-ойига 350—370 килограмм тирик вазнга эга бўлиши, кунлик семириши 650—700 граммга етказилиши керак. Бундай кўрсаткичларга эришиш учун мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиш лозим. Ана шунинг учун ҳам бузоқчилик хўжаликларига суғориладиган ерларда битта бузоққа 0,3 гектар ер ҳисобидан мўлжаллаб жой ажратиш зарурдир.

Илғор хўжаликларда қаймоқли сут ўрнини босувчи маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Масалан, Ғалаба ва Ўзбекистон районларидаги хўжаликларда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган қаймоқли сут ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар рецептлари туфайли чорва молларини боқишда юқори кўрсаткичлар билан бирга, сутнинг 88—90 процент кўпайишига эришилди. Вазифа республикамиз озуқа тайёрлаш заводларида энг яхши рецептлардаги қаймоқли сут ўрнида ишлатиладиган маҳсулотларни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда республикамизда наслчилик ишлари бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилган бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистонда наслчилик ишлари бутун системасини тубдан яхшилашдан иборат. Чорвадор олимлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш ва Озиқовқат программасини бажаришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишга азму қарор қилганлар.

Ш. АКМАЛХОНОВ, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ФАШИЗМ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ

Сентябрь ойи тарихий саналар ва воқеаларга бой. Фашизм қурбонлари хотираси халқаро куни ана шундай саналар орасида алоҳида ўрин тутади. Ҳар йили сентябрнинг иккинчи якшанба куни нишонланадиган бу сана XX асрнинг энг фожиали даврини — халқларнинг фашизмга қарши кураши тўғрисида эслатиб туради. Германия Демократик Республикаси антифашистларининг ташаббуси билан нишонланаётган бугунги кунда — 12 сентябрда кўпгина мамлакатларда йиғилишлар ва намойишлар, митинглар ўтказилади. Ана шундай оммавий йиғилишларга тўпланган фашизмга қарши кураш ҳаракатининг иштирокчилари, гитлерчиларнинг «Ажал лагерлари» тутқунлари, фашизм асорати пайтида зиндонларда отиб ташланган ва қийнаб ўлдирилган ватанпарварларнинг қариндош-уруғлари, иккинчи жаҳон уруши ветеранлари, ер юзидаги барча софдил кишилар фашистларнинг ваҳшийлигига қарши курашда ўз жонларини фидо қилган кишиларнинг хотирасини ҳурмат билан эсга оладилар.

Уруш гулдурослари тинганидан кейин антифашистлар ва демократлар фашизмнинг қайта тикланишига ва жаҳон уруши даҳшатлари такрорланишига йўл қўймаймиз, инсониятнинг энг қимматли бойлиги — тинчликни сақлаб қоламиз, деб қасамёд қилган эдилар. Ана шундан буён орадан анча вақт ўтди. Жаҳон жамоатчилиги Европа халқларини гитлерчилар асоратидан ҳалос қилиб инсониятни фашизм вабосидан сақлаб қолган совет солдатларининг буюк жасоратини эсдан чиқаргани йўқ. Лекин бугунги кунда империалистик ва милитаристик доираларнинг айби билан халқаро майдонда юз бераётган воқеалар фашизм хавфи ҳамон борлигини ва бу хавф олдида хушёр бўлиб туриш позимлигини эслатмоқда. Чунки айни кунларда Ғарбий Германиядаги янги нацист тўдалари ўзларини эркин ҳис қилмоқдалар. Улар шаҳар ва қишлоқларда бемалол намойишлар ўтказмоқдалар, антифашистлардан ва тинчлик учун курашчилардан ўч олмоқдалар. Ғарб матбуотининг берган маълумотларига кўра ҳозирги пайтда ГФР территориясида иш кўраётган 140 та янги фашист ташкилоти ва гуруҳларининг сафларида енгларига нацистларнинг белгисини тақиб юрган 20 минг безори бор. Бундай фашистик ташкилотлар Америка Қўшма Штатларида, Италияда, Франция, Туркия, Чили ҳамда Жанубий Африка Республикасида ҳам ўз фаолиятларини авж олдириб юбордилар. Ҳокимият тепасига Рейган маъмурияти келганидан сўнг АҚШдаги фашистик ташкилотлар айниқса жонланиб қолди. Эндиликда улар ўз йиғин ва намойишларини ошкора ўтказмоқдалар. Шу боисдан ҳам бугун фашизм қурбонлари хотираси халқаро куни фашизм пайини қирқиш ва унинг яна бош кўтаришига йўл қўймаслик учун қатъий кураш шиори остида ўтмоқда.

Ф. МИНАДЗЕЛИ.

ТОШКЕНТГА МАКТУБ

САН-ФРАНЦИСКО, 10 сентябрь. (ТАСС). Сиэтлда (Вашингтон штати) «Сиэтлнинг мақсади — ядро урушининг олдини олиш» деб аталган жамоат ташкилоти ядро ҳалокатининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик учун имкони бўлган барча тадбирларни кўриш мажбурияти ёзилган мактубга имзо тўплаш кампаниясини бошлади. Бу ҳужжатни Сиэтл билан биродарлашган Тошкент шаҳри аҳолисига, шунингдек АҚШ ва Совет Иттифоқи ҳукуматларига йўллаш мўлжалланмоқда.

Мактубда шундай дейилади: «Биродарлашган Сиэтл ва Тошкент шаҳарларининг аҳолиси ўз шаҳрига бўлган меҳр-муҳаббат билан ва ўз фарзандлари учун бахтли келажакка бўлган ўзаро ишончи билан бирлашгандирлар. Биздар ядро уруши юз берадиган бўлса, ўзимиз қадрлаётган барча нарсалар йўқ бўлиб кетишини яхши тушунамиз. Сиэтл ва унинг атрофидаги районларнинг вакиллари сифатида биз ядро урушига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш мажбуриятини оламиз. Ядро уруши — мислсиз офат, унинг олдини олиш зарур. Халқларимиз ихтилофларни ҳал этишнинг тинч йўлларини қидириб топиш ва ядро уруши хавфини камайтиришга қаратилган тадбирлар кўриш учун биргаликда ҳаракат қилишлари лозим».

«Сиэтлнинг мақсади — ядро урушининг олдини олиш» ташкилотининг тадбиротида жамоатчилик фикрини сўраб билиш инсонят олдида пайдо бўлган ядро уруши хавфхатари муносабати билан Америка аҳолиси ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ташвишланаётганлигидан далолат беради, деб уқтириб ўтилади.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК МУСТАҲКАМЛАНСИН

Бутун Ер юзида халқларнинг тинчлик учун, ядро уруши хавфини тугатиш, халқаро вазиятни тубдан соғломлаштириш учун кураши кенгайиб бормоқда. Ташкил топган дастлабки кунлариданоқ тинчлик ва социал тараққиётнинг улуғ ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келаётган Советлар мамлакати бу курашда пешқадамлик қилаётганлиги ғоят рамзий бир ҳолдир. АҚШнинг ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги агрессив, иғвогарлик ҳаракатларига Совет Иттифоқи ўзининг ленинчи ташқи сиёсатини, амалий мулоқотни давом эттириш йўлини, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш йўлини муттасил қарамақарши қўйиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилгандек, КПСС XXVI съезди таклиф этган 80-йилларнинг тинчлик программаси ва Л. И. Брежневнинг янги ташаббуслари уруш хавфини камайтиришнинг, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришнинг, ҳар хил тузумдаги давлатлар кенг ҳамкорлигини ривожлантиришнинг реалистик, амалий йўлларини кўрсатади, мураккаб халқаро проблемаларни муҳолифлик йўли билан эмас, балки ҳалол, тенг ҳуқуқли музокаралар асосида ҳал этиш имкониятини очади.

Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари бутун дунёда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда ва астойдил маъқулланмоқда. Куни кеча расмий визит билан Москвага келган БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр СССРнинг таклифларига юқори баҳо бериб бундай деди: «Мен энг муҳим деб ҳисоблаган ташаббуслар орасида аввало Л. И. Брежневнинг СССР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига аниқ мажбурият олиши ҳақидаги тантанали баёнотини кўрсатиб ўтмоқчиман». Башарти бошқа ядровий давлатлар ҳам ўз зиммаларига мана шундай мажбурият олсалар, бу нарса амалда умуман ядро қуролини ишлатишни тақиқлаш билан баравар кучга эга бўлур эди, деди сўнг-ра БМТ бош секретари. У стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги музокараларнинг катта аҳамиятини ҳам уқтириб ўтди, ҳамда СССРнинг ҳар иккала томон стратегик қуролни миқдор жиҳатидан кўпайтирмаслик ва уни модернизациялашни имкони борича қисқартириш тўғрисида бир битимга келиш тўғрисидаги таклифи муҳимлигини таъкидлади.

Яқинда ГДР халқ палатаси ташқи сиёсат масалалари комитети СССРнинг янги тинчлик ташаббусларини маъқуллади. СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг тинчликсеварлик ташаббуслари, деб уқтирди комитет, ядро урушининг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини тўхататиш йўлидаги кураш — тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳал этилиши лозим бўлган энг зарур вазифа эканлигидан яққол далолат беради.

ЧАДДАГИ МОЖАРО ДАВОМ ЭТМОҚДА

Чаддан олинаётган хабарлар Марказий Африканинг шу давлатидаги вазият яна кескинлашганлигидан дарак беради. Бу мамлакатда 1960 йил августида мустақиллик эълон қилинган пайтдан бери йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзаро кураш давом этмоқда. Мамлакат чорвачилик билан шуғулланадиган мусулмон қабилалар яшовчи, иқтисодий жиҳатдан нисбатан қолоқ шимол билан аҳолиси асосан христиан динига топинувчи, иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган жануб ўртасидаги ўткир зиддиятлар гирдобига тушиб қолган.

Шу йил июнида Хиссен Хабре бошчилигидаги шимол қуролли кучлари (ФАН) Чад пойтахти — Нжамена шаҳрини деярли жангсиз ишғол қилди. Чад миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг собиқ раиси Гукуни Уэддей мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди, Х. Хабре эса ўзини ўзи тузган ҳарбий кенгашнинг раиси деб эълон қилди. Ҳақиқатда унинг ҳокимияти Чаднинг шимолий районларидагина тўла-тўкис ўтади. Жанубда эса ФАТ ташкилоти — яқин вақтларгача А. Камуге бошчилик қилиб келган Чад қуролли кучлари назорат қилмоқда.

Яқинда Чад пойтахти — Нжаменадан хабар қилишларича, ФАТда исён кўтарилган, А. Камуге ағдариб ташланган ва номаълум жойга яширинган, исёнчилар эса Чад проблемасини тинч ҳал этиш йўлини излаш учун Х. Хабре билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканликларини эълон қилганлар. Бу воқеа гарчи ҳали 4,5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган мамлакатда рақобат қилаётган ўнтадан ортиқ гуруҳ ўртасида яраш бўлганлиги тўғрисида гапириш учун асос бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Халқаро ҳамжамият билан Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ)нинг Чад можаросини бартараф этиш йўлидаги интилишлари ҳозирча сезиларли натижа бергани йўқ. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган бу мамлакатдаги аҳволнинг беқарорлигидан фойдаланиб, у ердаги ўз таъсирини қўлдан бермаслик истагида бўлган бир қанча ғарб давлатларининг кирдикорлари ҳам бу проблеманинг ҳал этилишини барбод қилмоқда. Айни вақтда ғарб Чаддаги воқеалар хусусида АБТда вужудга келган нхтилофлардан фойдаланиб қолишга интилмоқда. Африкадаги мустақил давлатлар ўртасида зиддиятларни кучайтиришга ва уларга империалистлар учун манфаатли сиёсатни тиқиштиришга уринмоқда.

Чадда вужудга келган вазият оқибатида мамлакат экономикаси бутунлай таназзулга учради. Қишлоқ хўжалиги афгор бўлди, инфраструктура бузилди. Чад деҳқонларининг қўллари тинч меҳнатни қўмсамоқда. Узоқ давом этган ўзаро жанжаллар халқнинг жонига тегди ва у тинчлик ва миллий бирлик орзуси билан яшамоқда.

Бу орзунинг рўёбга чиқиши ўзаро курашаётган гуруҳлар манфаатларининг сиёсий донишмандлигига, ўзларининг шахсий интилишларини тийиб, жафокаш халққа тинчлик ва осойишталик бериш учун ўзларида куч топа олишларига боғлиқ. Чаддаги аҳволни тартибга солиш мустақил Африканинг позицияларини ва Африка Бирлиги Ташкилоти бирлигини мустаҳкамлашга ҳам ижобий таъсир қилган бўлур эди.

В. МАТЯШ, С. КАМЕНСКИЙ. (ТАСС).

ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Ленин комсомоли мукофоти лауреати Красноярск Давлат Сибирь рақс ансамбли коллективи намойиш этаётган ажойиб куй-қўшиқлар, рақслар санъат мухлисларининг қизғин олқишига сазовор бўлмоқда. Чунки ансамбль коллективи «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига катта ҳозирлик кўриб келишган эди. Суратда: ансамбль коллективи.

С. Баранников фотоси.

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

ШОДИЁНА

Владимир АРУТУНЯН,
Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Мана, бир неча кундирки, қуёшли Ўзбекистонда «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали қизғин давом этаётир. Фестивалда иштирок этаётган турли республикалардан келган санъаткорлар ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш этиб, санъат мухлисларини мамнун этишмоқда. Бизнинг Арманистон Давлат хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблимиз коллективи ҳам республика халқ артисти Вануш Ханамерян раҳбарлигида Бутуниттифоқ санъат фестивалига қизғин ҳозирлик кўриб келишди.

Рақс ансамблимиз республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Асатурян, Арманистон халқ артисти Эдуард Манакуян сингари санъатимиз жонкуярлари нечкан заҳматлар, фидойиликлар туфайли юзага келган. Ансамблимиз программасидан халқимизнинг миллий рақслари кенг ўрин олган. Биз ўзбек санъати ҳақида бой тасаввурга эгамиз. КПСС XXV, XXVI съездларида, Москва олимпиадасида берилган концертларда Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекисточ ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли санъаткорлари билан ҳамкор бўлганмиз. Уларнинг ажойиб санъатларидан илҳомланганмиз. Ўзбекистонда «Баҳор» ансамбли сингари мамлакатимиздагина эмас, жаҳонга машҳур бўлган санъат коллективлари кўп. Композитор А. Хачатуряннинг «Байрам сюитаси» ҳамда «Ягона оилада» асаримиз шулар жумласидандир. Улар тошкентлик томошабинларга беҳад манзур бўлди. Айниқса, ҳар бир кардош республиканинг энг яхши асари саралаб олинган ва гулдастадек тайёрланган «Ягона оилада» асаримиз санъат мухлисларининг қизғин олқишига сазовор бўлди. Ансамблимиз коллективи Қорақалпоғистон Автоном республикасида бўлиб, республика меҳнаткашларига катта концертлар беришади. Шунингдек, Тахиатош ГРЭСи қурувчилари билан ижодий учрашув ўтказамиз. Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Аида Арутюнян, Карени Казарян, Софии Девоян, Мартик Николасян, Людвик Булгодарян сингари санъаткорларимизнинг ижросидаги куй ва қўшиқлар, ажойиб рақслар автоном область меҳнаткашларида яхши таассурот қолдиради, деб умид қиламиз.

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Думитру БЛАЖИН,
Молдавия ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Фольклор» халқ музика оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

Мамлакатимизнинг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллигига барча қатори биз— санъаткорлар ҳам катта ҳозирлик кўрмоқдамиз. Ўзимизнинг тўйналаримизни ҳозирламоқдамиз. Қутлуғ байрам нишонланадиган йилда Ўзбекистонда «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали ўтказилаётганлиги қувончли, албатта. Бу фестиваль биз учун улкан тантана олдидаги бир имтиҳон, кўрикдир. Фестиваль В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида очилди, ана шу тантанадаёқ кардош республикадан келган санъаткорлар ўзлари эришган мислсиз ютуқларни намойиш қилдилар. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига муносиб тайёргарлик кўриб келган халқ музика оркестримиз санъаткорлари қардош халқлар ва ўзбек халқ куй-қўшиқларини ижро этиб, томошабинлар муҳаббатига сазовор бўлмоқда.

Бизнинг «Фолклор» халқ музика оркестримиз бундан 14 йил муқаддам ташкил этилган. Ана шундан буён у молдаван халқининг ажойиб тароналарини тарғиб қилиб келмоқда. Оркестримиз истеъдодли ёш санъаткорларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу борадаги катта хизматлари учун у Молдавия ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали қардош республика санъаткорларининг янада яқинлашувида, миллий анъаналар билан санъатимизнинг бойишида ва равнақ топишида муҳим роль ўйнайди. Айни чоғда бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган санъаткорлар улуғвор ишларни амалга ошираётган ўзбек халқининг ҳаёти, турмуши билан яқиндан танишади. Бизнинг оркестр коллективи Хоразм область меҳнаткашларининг меҳмони бўлишади. Биз бир неча колхоз ва совхозларда, жумладан, қадимий Хива шаҳридаги маданият уйида концерт берамиз. Ал-Хоразмий совхозининг меҳнаткашлари билан ижодий учрашув ўтказамиз. Қадимий обидалар шаҳри — Хивадан, Хоразм далаларидан бой таассурот билан қайтишимизга ишонамиз. Ана шу таассуротлар келажакда янги-янги ижодий режаларга, янги асарларга асос бўлади.

ИШИМИЗ МЕЗОНИ

Маҳсулотнинг етиштирилиши, сақланиши ва қайта ишланиши қанча муҳим бўлса, унинг истеъмолчи — харидорларга вақтида етказиб берилиши ҳам шунчалик муҳимдир. Шу жиҳатдан қараганда, партиямизнинг Озиқ-овқат программаси асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг муттасил кўпаяётгани савдо муассасалари ходимлари олдига ҳам янги, муҳим ва фахрли вазифаларни қўймоқда.

Бу вазифаларни ҳал этишда Жиззах область матлубот жамияти савдо-харид базаси коллективи яхши натижаларга эришмоқда. Куни кеча бу ерда иш бошлаган республика савдо ходимларининг кўргазмали семинари шу соҳадаги иш тажрибаларни ўрганишга бағишланди.

Товарларнинг савдо тармоғига етказиб бериш оперативлигини ошириш партия ва ҳукуматимизнинг савдо ходимлари олдига муттасил қўйиб келаётган талабларидан биридир. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги докладидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги масалани муҳокама қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ҳам айтилган эди. Дарвоқе, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш савиясини ошириш, магазин ва ошхоналар тармоғини кенгайтириш ва уларни тўғри жойлаштириш, савдо корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Капитал қурилиш ишларини шу асосда ташкил этган қўриқ область матлуботчилари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида шу соҳа бўйича 6 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилганлиги фикримизнинг далилидир. Октябрь, Пахтакор, Жиззах районларида кўплаб универсал савдо марказлари, умумий овқатланиш тармоқлари қурилди. РайонларарО савдо ҳарид базалари иш бошлади. Уларнинг бири Жиззах марказий типовой савдо-харид базасидир.

База қурилиши «Ўзбекбирлашув» правлениесининг махсус қароридан сўнг жуда қисқа вақт ичида тугалланди. Область матлубот жамияти қурилишни ҳашар йўли билан тезлаштиришга эришди. Шу ҳисобга қурилиш учун ажратилган маблағдан 900 минг сўм тежаб қолинди. Бу маблағ ҳисобига қурилган товарлар кўргазмаси зали ҳажми икки баробар кенгайтирилди. Мебель ва хўжалик моллари сақланадиган қўшимча омборхоналар бунёд этилди.

Жами 15 гектарни ташкил этган базада 11,2 минг квадрат метр ҳажмли бош омбор корпуси бор. Унда 640 тонна сиғимга эга бўлган музхона, техника устахонаси, заряд станцияси ўрин олган. Бош корпусда икки юк келтириш тармоғи мавжуд. Худди шу ерда 5 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган кўприк крани ўрнатилган. Оғир қўл меҳнатини енгиллаштирадиган кўплаб юк тележкалари, кўтарма-транспорт жиҳозлари, кўчма нарвон ва бошқа воситалар меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини бермоқда.

База ҳозир чакана савдо билан шуғулланадиган 400 савдо точкасига товарлар етказиб беради. База хизмат қиладиган зонадаги магазинларда чакана савдо оборот 1981 йили салкам 100 миллион сўмликка етди ёки 1979 йилгига қараганда 20 миллион сўмликка кўпайди.

Зонадаги энг узоқ савдо точкаси базадан 236 километр узоқликда жойлашган. Шуни назарда тутиб, база коллективи Ўзбекистон меҳнатни илмий ташкил этиш ва рационал бошқариш марказий институти мутахассислари билан ҳамкорликда ишни савдо ходимларининг, хусусан сотувчиларнинг хизмат вақтига ҳалал бермайдиган қилиб ташкил этмоқда. Сотувчи товар намуналари залида бўлиб, товаршуносга ўзи танлаган товарлар рўйхатини топширади. Шу билан унинг базадаги иши тугайди, дейиш мумкин. Товарларни марказлашган усулда етказиб бериш махсус экспедиция зиммасига юкланган. Экспедиция ходимлари омбор ходимлари билан бирга рўйхатдаги товарларни махсус контейнерга жойлаб, машинага буюртма беради. Машина шу куниёқ товар тўла пломбаланган контейнерни магазинга етказиб беради. Бу ўринда базада ҳеч қандай қийинчилик юз бермайди. Чунки базада 400 та ана шундай кўчма контейнерлар мавжуд бўлиб, товар картотекасидаги номер бўйича танланган товар қайси омборнинг қайси стеллажида, қанча миқдорда борлиги аниқ кўрсатилган бўлади.

Ҳозир база магазиналарнинг қарийб 70 процентига товарларни шу тартиб билан етказиб бераётир. База коллективи яқин вақт ичида бундай хизмат кўрсатишни барча магазинларга жорий этиш тараддудини кўраётир.

Савдо-харид базаси Иттифоқимиздаги 63 ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа боғлаган. Кондитер маҳсулотлари базада қадоқланмаган ҳолда қабул қилиниши ҳам мумкин. Бу ерда ҳар сменада 1—1,5 тонна маҳсулотни қадоқлаш қувватига эга бўлган 6 аппарат ўрнатилган. Уларни Замира Ўришбоева, Иноят Усмонова сингари малакали мутахассислар бошқаришмоқда.

Базада омборхоналардан рационал фойдаланиш учун илғор тажрибалар кенг жорий этилмоқда. Бунда хўжалик ва маданий моллар ҳамда бошқа истеъмол товарлари сақланадиган турли размердаги баланд поддонлар қўл келаётир. Бу соҳадаги кўрсаткичимиз республиканинг ўртача кўрсаткичидан 10—15 процент юқоридир. Автокўтаргичлар бундай поддонларни осонгина ортиши ва туширишни ҳам мумкин. Базада ўз кучимиз билан 850 та ана шундай поддондар ясатганмиз. Яқин келажакда бундай мосламалар сонини яна 2 бараварга ошириш кўзда тутилмоқда.

М. ҚОСИМОВ,
Жиззах область матлубот жамияти савдо-харид базаси директори.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Будильник. 10.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.10 — Здоровье. 11.55— Тонгги почта. 12.25 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.40 — Қишлоқ янгиликлари. 13.40 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 14.40 — Музикали киоск. 15.10 — Фильм-спектакль. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Бугун — Танкчилар куни. 17.45 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Ўта эҳтиёткорлик. Спектакль. 20.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 — Концерт. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Мультфильмлар. 9.50 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Концерт. 11.00 — Ишбилармон кишилар. Бадиий фильм. 12.20 — Ҳайвонот оламида. 13.20 — Саҳна усталари билан учрашув. 14.10 — Болалар учун фильм. 15.10 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — Фильм-концерт. 15.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Концерт. 17.15 — Жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 3-серия. 18.30— Бизнинг биография. 1961 йил. 19.30 — Классик кураш. Жаҳон чемпионати. 20.00 — Кинопрограмма. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳаётга йўлланма. 21.30 — Время. 22.05 — Фақат иккимиз. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Ўзбекистон спорти. 11.25 — Бугун —Танкчилар куни. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.10 — Бадиий фильм. 2-серия. 14.15 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Концерт. 19.00 — Футбол. Пахтакор — Қайрат. 20.45 — Ахборот. 21.05— Концерт. 21.30 Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. Концерт.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Н. Тўхтаева ва ака-ука Ваҳобовлар куйлайди. 9.15 — Табассум. 11.30 — Бугун —Танкчилар куни. 11.40 — Ҳарбий ансамбллар ижро этади. 12.10 —Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Танкчилар, Сизлар учун. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Тошкентнинг олтин кузи. 19.25 — Ешлик. 20.15 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). 20.50 — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан. Атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун. 22.30 — Лирик музикали программа.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Ғариблар**, 14/IX да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IXда **Лайли ва Мажнун**, 13/IX да **Заҳар ичган даъвогар.**

ВОИР Ўзбекистон республика совети
ЎЗБЕКИСТОН ПАТЕНТШУНОСЛИК ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТИ

кечки ва сиртқи бўлимларнинг БИРИНЧИ КУРСИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт патентшунослик ва ихтиролар соҳаси бўйича билим беради.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Институтни тугатганларга ВОИР потентшуноси малакаси (диплом билан) **берилади.**

кечки бўлимда машғулотлар ҳафтада бир марта кечки вақтда ўтказилади.

Сиртқи бўлимда эса йилга икки марта ўқув сессияси ташкил этилади.

Ўқишга олий ёки ўрта техник маълумотга эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза-йўлланма, (форма бўйича), диплом (копияси), 3х4 см. ҳажмида 2 дона фотосурат, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа.

Институтга кирувчилар билан суҳбат ўтказилади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон патентшунослик жамоатчилик институтига 1 сентябрдан 1 ноябргача юборилсин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй. Телефон: 33-90-89.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ЮГУРУВЧИЛАР КУНИ

ОММАВИЙЛИК БАЙРАМИ

Бугун мамлакатимизда ўзига хос спорт байрами. Шаҳар-қишлоқлардаги стадионлар, майдончалардан старт олган югурувчилар хиёбонлар, сўқмоқлар бўйлаб оммавий баҳсда иштирок этадилар. Енгил атлетиканинг олис масофага югуриш турига алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Чунки иттифоқимизда қисқа ва ўрта масофага югуриш бўйича малакали спортчилар халқаро мусобақаларда совет спорти шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Олис масофага — 42 километру 195 сантиметрга классик марафонча югуриш ишқибозлари эса эндигина кўпайиб бормоқда.

Республикамизда ҳам марафонча югуришга эътибор берилляпти. Спортнинг мазкур турини ривожлантириш, оммавийлигини таъминлашни «Совет Ўзбекистони» газетаси оталиққа олган десак ҳам бўлади. Беш йилдирки, газета соврини учун марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича республика чемпионати анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам чакки бўлмаяпти. Югурувчилар сафи кенгайиб, маҳорати ошиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Чунончи, яқинда Москвада ниҳоясига етган марафончилар халқаро мусобақасида газета соврини учун мусобақанинг доимий қатнашчиси ва совриндори англичанин Владимир Белобородов олтинчи ўринни олиб қайтди. Бизнинг кучли олтиликдан жой олишини ҳозирча мамнунлик билан қайд этмоқ даркор.

Республикамизда оммавий югуриш биринчи марта шу йилнинг баҳорида Косонсойда «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун ўтказилган мусобақа олдидан ўтказилди. Беш мингдан зиёд кекса-ю ёш стартга чиқди. Тошкентда ўтказилган оммавий югуриш баҳсида бўлса, 12 минг физкультурачи иштирок этди. Бу, республикамизда югуриш ихлосмандлари кўплигидан далолатдир.

Ўзбекистонда Бутуниттифоқ югурувчилар кунини байрамона нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилди. Жойларда минглаб югурувчиларнинг стратга чиқишлари учун қулай шароитлар яратилди. Республикамиз пойтахтида эса ҳар бир районнинг физкультура коллективлари олдиндан белгиланган маршрутлар бўйлаб югуришга шай бўлиб туришибди. Югуришга эса боғча болаларидан тортиб, ўқувчилар, студентлар, ишчилар-у, зиёлилар чиқадилар. Ўйлаймизки, югурувчилар куни ҳар жиҳатдан ташкилий уюшган ҳолда ўтказилади.

А. НОРМУРОДОВ,
СССР спорт комитетининг Ўзбекистон бўйича давлат тренери.

Суратда: оммавий югуриш. Е. Ботиров фотоси.

КЕКСА ЮГУРУВЧИНИНГ ҲИКОЯСИ

СЕРҲАРАКАТЛИК ХОСИЯТИ

Тошкентнинг «Меҳнат» стадиони ҳузуридаги ҳаваскор югурувчилар «Кентавр» клубининг аъзоси Аҳмаджон Лутфуллаев республикамизнинг серҳаракат кишиларидан бири. Ҳозир у кексайиб қолганига қарамай, олис масофаларга йигитлардек югуришни қўймайди. Ёшликда ҳасталикка чалинган бу киши югуриш хосияти туфайли бугунги кунда тетик ва бардамликни ҳис этиб турибди. Яқинда жамоатчи мухбиримиз А. ПУЛАТОВ олис масофага югуриш ихлосманди А. ЛУТФУЛЛАЕВ билан учрашиб, суҳбатлашди. Қуйида югурувчининг ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Спорт турлари ичида Сизга қайси бири маъқул деб, савол беришса, ҳаммасидан кўра югуриш афзаллигини дадил тан олган бўлардим. Мен буни ўз ҳаётимда бошдан кечириб, тажрибадан ўтказганман. Эр бошига иш тушмагунча ончайин эриш туюлувчи ҳайрли юмушларга жазм этмайди. Мен ҳам дардга чалиниб, врачлар югуришни тавсия этишганида кўп ўйлайсиз-ланганман. Келинг, яхшиси океани бошидан ҳикоя қилиб берай.

1935 йили кутилмаганда сил касаллигига дучор бўлдим. Қора денгиз бўйидаги хушманзара Ялта санаторийсида дам олиб юрганимда врачлар менга кўпроқ жисмоний тарбия, айниқса югуриш билан шуғулланишни тавсия этишди. Санаторий врачи А. Соколовскийнинг: «Ўғлим, борган сари мадоринг қуриб боряпти. Бунинг устига иштаҳа, уйқингда ҳаловат йўқ. Кўпроқ юриш, иложи бўлса, тезроқ юриш керак. Агар нафи тегса, кейинчалик югуришга ўтасан», дегани ҳамон ёдимда. Шу бўлди-ю, врачлар билан бамаслаҳат тоза ҳавода югура бошладим.

Кундан-кунга ўзимни енгил ҳис этиб, қувватимга қувват қўшила бошлади. Албатта, у пайтларда тренерлар етишмасди. Спорт бўйича адабиётлар, қўлланмалар кам босилар эди. 1960 йиллардан бошлаб спортга алоҳида эътибор берила бошланди. Газета ва журналларда жисмоний тарбия хусусидаги мақолалар тез-тез босиладиган бўлди. 1971 йили эса Тошкентда ҳаваскор югурувчиларнинг «Кентавр» клуби ташкил этилди. Клубга биринчилар қатори ёзилдим.

Ҳаваскор югурувчилар билан бир сафда турганимда 57 ёшда бўлсам, ҳозир 70 баҳорни кўрдим. 60 ёшимда қиш фасли бўлишига қарамай, Тошкентдан Чирчиққача югурдим. 1975 йили Сочи шаҳрида классик марафон — 42 километру 195 сантиметрли масофани босиб ўтдим. Бу билан иккинчи разрядли спортчи талабини бажардим. Фақат югуриш билан иш битмайди. Чиниқишга аҳамият бериш керак. 10—17 даражали аёзли кунларда енгил кийиниб, югуришнинг завқи бўлакча. Ҳозир пенсиядаман. Бўш вақтим етарли. Москва, Ленинград атрофларидаги мусаффо ҳаволи қайинзорларда бўлиб тураман. Бу ерларда қиш қиччиллама бўлади. Лекин машқ қилиб, танага қор ишқалаб чиниқиб олганлигим аскотмоқда. Мактаниш эмас, бор гапни айтаман. 60—70 килограммли юкни елкамга қўйишса, 100—200 метрга тўхтамай бора оламан. 40—45 килограммли юкни эса ердан даст кўтариш қўлимдан келади. Ҳозирча шамоллаш, тумов нималигини билмайман. Ичкилик, ичиш чекиш мен учун ёт нарса. Бинонинг саккизинчи қаватига бемалол зиналар орқали кўтарила оламан.

Хуллас, югуриш энг хосиятли ҳаракатлардан. Бундай ҳаракат билан шуғулланишнинг кечиктирмай, ёшликдан бошламоқ маъқул. Агар имкони топилмаган бўлса ҳали ҳам кеч эмас. Врачлар лозим топишса, югуришдан кечманг, азизлар. Тўғри, кўча-кўйда югуриш эриш туюлади. Лекин бундай руҳий ҳолат, яъни ўзига хос ғовдан ўтса бўлади. Муҳими ихлос ва истак керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Техника ривожланган, меҳнат тобора механизациялаштирилаётган, автоматлаштирилаётган электроника ва атом асрида яшамоқдамиз. Бас шундай экан югуриш керак. Кўпчиликни оммавий равишда югуриши учун жойларда, айниқса, истиқомат ерларида қулай шароитлар яратиш зарур.

Бугун — мамлакатимизда югурувчилар кунини ўтказилаётганлигидан беҳад мамнунман. Биз ҳаваскор югурувчилар клубининг аъзолари Тошкент марказий кўчалари бўйлаб 20 километр йўл босишга аҳд қилганмиз.

ТАРАДДУД

● **НАВОИЙ.** Навқирои область марказида ҳам Бутуниттифоқ югуриш кунида мусобақалар уюштиришга қарор қилинди. Бугун оммавий югуришда минглаб шаҳарликлар қатнашадилар. Саломатлик сўқмоқлари-ю, марралари ҳозирлаб қўйилди.

А. НОСОНОВА,
Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.

● **АНГРЕН.** Бутуниттифоқ югурувчилар кунини кўтаринки руҳда кутиб олмоқдамиз. 12 сентябрда шаҳардаги 61 физкультура колективининг вакиллари югуриш баҳсларида иштирок этадилар. Югуриш байрамига ташкилий ва тадбирий жиҳатдан ҳозирлик кўрилди.

Э. ЭШМАТОВ,
Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.

● **ТОШКЕНТ.** Шаҳримиз Бутуниттифоқ югурувчилар кунини байрамона нишонлашга тайёр. Шаҳар ижроия комитети, касаба союзлари область совети, шаҳар комсомол комитети югуриш ҳафталигини ўтказишга қарор қилди. 700 дан зиёд коллектив аъзолари стартга чиқади. Югуришда 150 мингдан кўпроқ киши қатнашади.

Х. ЕҚУБЖОНОВА,
шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.

● **БУХОРО.** Шаҳримизнинг кексаю ёши югуришда иштирок этадиган бўлди. Бугун шаҳарнинг юздан зиёд физкультура коллективининг вакиллари югуриш йўлкаларида ўзаро баҳслашадилар. Ўзига хос спорт байрамида оммавий сайиллар уюштирилади, бадиий ҳаваскорлик коллективлари чиқишлар қиладилар.

Б. СУЛТОНОВ,
шаҳар ижроия комитетининг раиси.

● **САМАРҚАНД.** Югурувчилар байрамида шаҳардаги 150 физкультура коллективининг вакиллари қатнашади. Югуриш мусобақасига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича шаҳар штаби тузилган. Район штабларининг иши кузатиб турилибди.

А. КАРИМОВ,
шаҳар ижроия комитетининг раиси.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● ФУТБОЛ. «Пахтакор» командаси футболчилари Лиляда иккинчи лига вакили «Альфонсине» коллективи билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказадилар. Учрашувнинг биринчи қисмида майдон эгалари 1:0 ҳисобида голиб келишди. Танаффусдан кейин эса пахтакорчилар бешта жавоб тўпи киритдилар. Тўпларни К. Новиков (иккитасини), Д. Огай, М. Билолов, А. Якубиклар дарвозага йўллашди.

Олий лига командаларининг навбатдаги тур ўйинлари «Спартак» — «Торпедо» (К) учрашуви билан бошланди. Ўйинда спартакчилар (2:0) ғалаба қилишди.

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида ўтказилган галдаги учрашувлардан кейин Самарқанд динамочилари 43, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари 38 очко билан 1—2 ўринларни эгаллаб туришибди.

КОЛХОЗДА БИЛИМ ЮРТИ

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози маркази шаҳардан фарқ қилмайди. Бу ерда 150 ўринли колхозлараро пионерлар лагери, район марказий касалхонасининг 70 ўринли терапия бўлими бор. Шифохонада ҳар йили район колхозларидан келган мингга яқин киши саломатлигини яхшилаб, меҳнат қўйнига қайтяпти.

Колхоз правлениесининг ташаббуси билан поселкада икки қаватли маъмурий идора биноси, 1200 ўринли мактаб, замонавий типдаги машина-трактор парки ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда колхоз территориясида Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг 282-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти очилди. Билим юрти район ва қўшни район колхоз ва совхозларига малакали механизаторлар, шоферлар, тикувчи моториcткалар, гишт терувчи усталар, қишлоқ хўжалиги бўйича бухгалтерлар, сувоқчи, бўёқчилар ва бошқа мутахассислар тайёрлаб беради. Колхоз правлениеси билим юрти ўқув корпуслари, ошхоналар ва бошқа эҳтиёжлар учун 50 минг сўм капитал маблағ ажратди.

Билим юртида Харис Холмирзаев, Қурбонали Ҳожиев, Мавжуда Сиддиқова, Жамила Йўлдошева, Ғофиржон Рафиқов, Хайриниса Қорабоева каби ўз касбини пухта эгаллаб олган педагоглар ёшларга пухта билим беришмоқда, ҳунар ўргатишмоқда.

Т. ЮСУПОВ.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49; 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР —2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03163. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 209. 10